

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТДПУ ҳузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш
тармоқ маркази директори

_____ Н.Муслимов
“___” _____ 2015 йил

**МИЛЛИЙ ГОЯ, МАЊНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ
ФАНЛАРИНИ ЎЌИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Малака ошириш таълим йўналиши: **Миллий гоя, мањнавият асослари ва
ҳуқуқ таълими**

Тузувчи: Ф.ф.н., доц. М.А.Собирова

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	14
1-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК, РЕСПУБЛИКАМИЗДА УШБУ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	14
2-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР: ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАРНИ КОММУНИКАТИВ АСОСДА ВА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ.....	25
3-мавзу. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР, ЎҚУВ ФАНИ МАЗМУНИНИ ШУ АСОСДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ.....	40
4-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	51
5-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	63
6-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК.....	80
7-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ.....	90
ФАН БЎЙИЧА СИНОВЛАР УЧУН САВОЛЛАР	99
ГЛОССАРИЙ.....	101

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Кириш

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар” модулининг мақсади: тингловчиларнинг педагогик фаолиятга назарий, касбий тайёргарлигини таъминлаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ҳамда бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга қаратилган.

Тингловчиларни миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва ҳуқуқ таълими мутахассислиги бўйича кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, илгор таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, хорижий илмий-амалий тажрибалар, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, филолог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар:

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, таълим, миллий ғоя ва маънавият соҳаларини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни;
- **Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларфандарининг методологик базаси;**
- миллий ғоя ва маънавият туркумидаги дарсларни ташкил этишининг замонавий шакл ва усуллари;
- миллий ғоя ва маънавият таълимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;
- миллий ғоя ва маънавият таълимидаги инновациялар;
- миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар;
- миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида мавзуга боғлиқ ҳолда талаба ва талабаларни ўрганиш объектига йўналтира олиш;
- бунда талаба ва талабаларнинг қизиқиш ва индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиш;
- уларнинг замонавий дарс жараёнларида ўзларини эркин ва фаол тута олиши; талаба ва талабаларни билим олиш ва тарбиялаш, ривожлантиришга хизмат қиласидаган шакл ва усуллардан фойдалана олиш;
- мутахассислик бўйича замонавий назарий ва методик билимларга эга бўлиши;

- дарс жараёнида турли метод ва усулларни, замонавий технологияларни қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларини самарали ташкил этиш, илмий, методик ва ташкилий фаолиятни тизимли ривожлантириш, миллий ва хорижий фан ютуқларидан фойдалана билиш **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари”, “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари”, “Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув–тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бўйича
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини
ўқитишида замонавий ёндашувлар” модулининг тақвимий-мавзулар**

РЕЖАСИ

Т/р	Ўқув модулининг мавзулари	Ҳаммаси	Жами	Жумладан			Мустақил таълим	Профессор-ўқитувчининг Ф.И.Ш.
				назарий	амалий	кўчма машғулот		
1.	Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик, республикамизда ушбу фанларни ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари		4	4	2	2		
2.	Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар: йўналишдаги фанларни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.		4	4	2	2		
3.	Олий таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларнинг ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ижтимоий-сиёсий компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш		6	4	2	2	2	
4.	Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар		2	2	2			
5.	Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитишининг долзарб масалалари		4	4	2	2		

6.	Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик	4	4	2	2			
7.	Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш	6	4	2	2		2	
Жами		30	26	14	12		4	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик, республикамизда ушбу фанларни ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари (2 соат)

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепсиясининг яратилиши ва шу асосда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларнинг таълим тизимида жорий этилиши, бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни замонавий талаблар асосида ўқитиш, “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари, таълим босқичларида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари.

2-мавзу: Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар: йўналишдаги фанларни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш(2 соат)

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни асосида ўқитишида ёндошиладиган асосий тамойиллар ва мазкур фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар, компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси, миллий ва маънавият туркумига кирувчи фанларнинг ўқитувчисига қўйиладиган талаблар, ўқитувчининг шахсий хусусиятлари

3-мавзу. Олий таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларнинг ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ижтимоий-сиёсий компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш (2 соат)

Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида қўйи таълим босқичлари билан узлуксизликни таъминлаш, барча таълим йўналишларида “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ҳамда “Маънавият асослари” фанларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари,

бўлажак миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

4-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар(2 соат).

Республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг долзарб вазифалари. Талаба ва талабаларнинг БҚМ ларини ошириб бориш усуллари

5-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишининг долзарб масалалари(2 соат).

“Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва хуқуқ таълими” йўналишида ўқитиладиган миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва уларни ўқитишининг бугунги ҳолати, ечимини кутаёган муаммолар, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларга оид янги адабиётлар таҳлили, талабаларни миллий ғоя тарғиботига йўналтириб бориш омиллари, тарғибот ва ташвиқот тушунчаларининг ўзаро нисбати, маънавий-маърифий ишларда технологияларни қўллаш

6-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик(2 соат).

Мактаб таълими. Ундаги асосий мавзу ва материаллар танлови ҳамда талабаларнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари. АЛ ва КҲҚдаги миллий ғоя ва маънавият асослари фанларининг хусусиятлари. Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитиши таҳлили. Кўшимча адабиётлар билан ишлаш методикаси. Олий таълим тизимида миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва хуқуқ таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

7-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш(2 соат).

“Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва хуқуқ таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш. Лойиҳа технологияси. “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва хуқуқ таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойиҳалаштириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик, республикамида ушбу фанларни ўқитиши йўналишлари ва долзарб масалалари (2 соат амалий).

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепсиясининг яратилиши ва шу асосда миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларнинг таълим тизимиға жорий этилиши, бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни замонавий талаблар асосида ўқитиши, “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишининг ўзига хосликлари, таълим босқичларида миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишининг долзарб масалалари.

2-мавзу: Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар: йўналишдаги фанларни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиши(2 соат амалий)

Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни асосида ўқитишида ёндошиладиган асосий тамойиллар ва мазкур фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар, компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси, миллий ва маънавият туркумига киравчи фанларнинг ўқитувчисига қўйиладиган талаблар, ўқитувчининг шахсий хусусиятлари

3-мавзу. Олий таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларнинг ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ижтимоий-сиёсий компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш (2 соат амалий).

Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида қўйи таълим босқичлари билан узлуксизликни таъминлаш, барча таълим йўналишларида “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ҳамда “Маънавият асослари” фанларини ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари, бўлажак миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанлар ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ёш ўқитувчилар билан ишлаш. Ёш ўқитувчиларнинг иш фаолиятида учрайдиган психологик муаммолар.

4-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишининг долзарб масалалари(2 соат амалий).

“Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитиладиган миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанлар ва уларни ўқитишининг бугунги ҳолати, ечимини кутаёган муаммолар, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларга

оид янги адабиётлар таҳлили, талабаларни миллий ғоя тарғиботига йўналтириб бориш омиллари, тарғибот ва ташвиқот тушунчаларининг ўзаро нисбати, маънавий-маърифий ишларда технологияларни қўллаш

5-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик (2 соат амалий).

Мактаб таълими. Ундаги асосий мавзуу ва материаллар танлови ҳамда талабаларнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари. АЛ ва КҲҚдаги миллий ғоя ва маънавият асослари фанларининг хусусиятлари. Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитиши таҳлили. Кўшимча адабиётлар билан ишлаш методикаси. Олий таълим тизимида миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларва ҳуқуқ таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6-мавзу. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанлар ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш (2 соат амалий).

“Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш. Лойиҳа технологияси. “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойиҳалаштириш

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртларида “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ҳамда ”“Маънавият асослари” фанларининг ўқитила бошланиши вуа бу фанларни ўқити шга қўйилаётган дидактик талаблар.
2. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида инновацион таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти.
3. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида илғор тажрибаларни ўрганиш усуллари.
4. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида муаммоли таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти.
5. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик.
6. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида мустақил таълимнинг ўрни.
7. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида фанлараро интеграция.
8. Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишидаги муаммолар: уларни бартараф этиш усуллари.
9. Маънавиятнинг умуртқа погонаси, ўзак томири нима эканлигини талаба ва талаба ёшларга тушунтиришнинг ўзига хос омиллари.

10. Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитишдамодерни зацион ёндошув.

11. Маънавий камолотга жараён сифатида ёндошув.

12. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг асосий стратегик мақсадини талабаларга тушунтириб борища аксеологик ёндошув.

13. Талабаларни миллий ғоятариботига йўналтириб ббориш омиллари. “Тарғибот”, “Аксилтарғибот”, “Ташвиқот” тушунчаларининг мазмун ва моҳияти.

14. Миллий ғоя ва миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанлар дарсларини таҳлил қилиш.

15. Миллий ғоя ва миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларфандарини ўқитишда ўқув материали ва ўқитиш методларини танлаш пртинциплари.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёни:

- замонавий методларнинг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилишини:
 - модулларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
 - амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
 - тингловчиларнинг илфор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар ва манбалар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари:

1. Каримов И.А. – Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -528 б.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994. –160 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. –326 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. («Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). -Т.: Ўзбекистон, 1998. –30 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 176 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, -440 б.

8. Каримов И.А.Она юртимиз баҳту иқболи ва бқую келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015, -304 б.

II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги №3-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4732-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги №242-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. –192 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. –180 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
5. Замонавий дарс. / Масъул мухаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. –120 бет.
6. Сайдиҳмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
7. Миллий ғоя:асосий тушунча ва тамойиллар (қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001 йил.
8. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: Университет, 2001.
9. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
10. Мамашокиров С. ва бошқалар. Ўзбекистонда янги жамият қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. (Ўқув-услубий қўлланма). – Т.: 2004
11. Миллий ғоя:асосий тушунча ва тамойиллар.(дарслик) –Т.: Академия, 2005 йил.
12. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Назаров К. таҳрири остида. –Т.: Академия нашриёти. 2007.
13. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Назаров К. таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.
14. Холиқов И., Лафасов М., Рустамов М., Машарипова Г., Жуманиёзов Х., Рустамова Ф. Миллий ғоя фанидан семинар машғулотлари ўтказиш методикаси. -Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2011 йил.
15. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизли клик. –Т.: Ўзбекистон, 2013 йил.
16. Лафасов М., Холиқов И., Жуманиёзов Х, Тилаев Э., Собирова М., Қодиров Б. Оила маънавияти фанини ўқитиши методикаси. – Т.:ТДПУ, 2013 йил.
17. Холиқов И., Собирова М ., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиши. -Т.: ТДПУ, 2013 йил.

18. Тоҳириён А., Олим С., Маматқулов Д, Жумаев Ш. Миллий ғоя ва маънавият асослари. –Т.: Navro‘z, 2015 йил.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
9. www.tdpu.uz.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК, РЕСПУБЛИКАМИЗДА УШБУ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Режа

1. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепсиясининг яратилиши ва шу асосда миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларнинг таълим тизими жорий этилиши.

2. Бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни замонавий талаблар асосида ўқитиши.

3. “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишининг ўзига хосликлари, таълим босқичларида миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишининг долзарб масалалари.

Таянч тушунчалар: “Миллий истиқлол ғояси, тамойил, концепсия, узвийлик, узлуксизлик узлуксиз таълим тизими, билим, қўникма, малака.

1-масаланинг баёни: Инсоният тарихий тарақиётининг цивилизациялашган даври бирон-бир жамиятнинг эзгу ғоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқлаб келмоқда. Ўзбекистон Ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбек ҳалқи ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби мақсадларни қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш, юртимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун бизга ёт ва бегона ғоя тажовузига қарши тураладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, бу йўлда ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни тақозо этди.

Бу борада Президентимиз томонидан “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” концепцияси яратиб берилди.

Президентимиз ҳар бир миллатнинг ўз миллий ғояси бўлиши лозимлигини таъкидлаб, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи учун сўз боши ёзганларида “Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батомом ҳалос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тураладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати ҳалқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя, миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар”,¹ - дея эътироф этган эдилар.

Миллий ғояни яратиш ва уни халқимиз орасида тарғиб-ташвиқ қилиб бориши ишлари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланган эди. Жумладан, 1993 йил май ойида Президентимиз бир гурӯҳ зиёлиларга мурожаат қилиб, бу хусусда тайёрланган концепция асосида Ўзбекистоннинг ўз миллий ғоясини ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

1994 йил 23 апрелда Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ва унинг ҳузурида “Тафаккур” журнали таъсис этилди.

1999 йил 3 сентябрда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этилиб, унга Республика Бош вазирининг биринчи ўринbosари раис этиб тайинланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси мухбири саволларига берган жавобларида мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлаётганлигини таъкидлаб ўтган эди. “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи мазмунини халққа, ёшлар тарбияси жараёнига олиб кириш даврни нг долзарб масаласи қилиб қўйилган эди. Бунда аввало 3 жиҳатни ўз ичига қамраб олинди:

1) Миллий дастурнинг асосий мақсади баркамол шахсни шакллантириш. Аслида бу Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳам устувор жиҳатидир.

2) Миллий дастур мақсад ва вазифаларининг амалга оширилиши ҳуқуқий давлат қуриш, тафаккур ва мунозара маданиятини ривожлантириш, шахс ички дунёсини бойитишдан иборатdir.

3) Миллий ғояни ижтимоий онг сифатида шакллантиришни давр тақозо этмоқда.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов “Жамиятни баҳт-саодатга, буюк ва ёруғ келажакка бошлаб борувчи ягона куч – маънавиятдир” - деган эдилар. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишилар туфайли жамият янгиланиб, кучайиб, тараққий топиб боради. Ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва Ватанимиз равнақига хизмат қиласиган баркамол авлодни вояга етказиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Ана шу долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси”

¹ “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” Т.: Ўзбекистон, 2001.

кенгайтирилган мажлисининг 2000 йил 30 сентябрдаги “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанини узлуксиз таълим тизимида жорий этиш ҳақида”ги қарорига кўра 2000-2001 ўкув йилининг 2-чорагидан эътиборан умумий ўрта таълим муассасаларининг ўкув режасидаги 7-9-синфлар учун “Маънавият асослари” ўрнига “Миллий ғоя ва маънавият асослари” ўкув фани жорий этилди. 2000 йил 9 октябрда Халқ таълими, Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирликлари бу масалани яна бир бор кўриб чиқиб уни ҳаётга жорий қилиш учун зарурий ишларни белгилаб олдилар.

Республика Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг бир гурӯҳ олимларидан иборат “Файласуфлар миллий жамияти” тузилди. Мазкур жамият томонидан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи Президентимизнинг сўз бошиси билан 2001 йилда нашр этилди. Мазкур рисолада ғоя ва мағкура тушунчалари, уларнинг тарихий шакллари, ғоя ва мағкураларнинг халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, фалсафий илдизлари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Шунингдек, бутунги глобаллашган даврда инсон онги ва қалбини забт этиш учун ғоявий кураш авж олган таҳликали бир даврда мағкурадан кўзланган мақсадлар кенг ёритилди. Муайян муддатда мазкур рисола умумтаълим мактабларининг маънавият дарслари мазмунига сингдириб борилди. Аммо бу илмий -оммабоп рисола бўлганлиги сабабли уни талabalар онгига сингдириш анчайин қийин кечди. Шундан сўнг, 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида”ги Ф-1331-сонли Фармойиши эълон қилинди². Ўша йилдан бошлаб умумтаълим мактабларининг 1-4- синфларида “Одабнома” фани, 5 ва 6 синфларида “Ватан туйғуси” фани, 7,8 ва 9 синфларида “Милий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари мустақил фан сифатида ўқитила бошланди.

Миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар ўқитувчиларини методик жиҳатдан қуроллантириш мақсадида 2006 йил Президентимизнинг “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишнинг чоратадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-317-сонли қарори эълон қилинди. 2006 йил 25 августда эса Президентимизнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли қарори эълон қилинди.

Миллий ғоя ва маънавиятнинг давлатимизда тутган ўрни ва мақомидан келиб чиқиб, Республикаиз узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим босқичларида асосий фан сифатида узлуксиз

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси. 2001 йил 20 январь.

ўқитилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълимтарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони² асосида узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари³, “Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури”⁴, Олий ва ўрта маҳсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли⁵, “Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2, 4/1-сонли қўшма ҳайъат мажлиси Қарорлари⁶, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарорлари қабул қилинди.

Ушбу меъёрий хужжатларга биноан умумий ўрта таълим босқичидаги барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди, таълим босқичлари ўргасида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратила

² Таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида // Олий таълим: Меъёрий хужжатлар тўплами. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17–52.

³ Олий таълим: Меъёрий хужжатлар тўплами. 2-қисм.– Тошкент: Шарқ, 2003.– 66-70- б.

⁴ Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури тўғрисида. –Тошкент: Маърифат, 2004 йил 21 май.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1-сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарори, 2010 йил 1 июль. – Тошкент, 2010.

бошланди. Узлуксиз таълим ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими – узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумiga кирувчи фанларнинг ўқитилишини яхшилаш ҳамда таълим муассасаларини шу йўналишдаги мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида республикамиз олийгоҳларида “Миллий ғоя, хуқуқ ва маънавият асослари” фани бўйича курслар ташкил этилди. Мазкур фан бўйича “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” кўрик танловлари ўтказила бошланди.

2-масаланинг баёни: Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Инсон, унинг ҳар томонлама уйгун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рӯёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиши, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқатворнинг андозаларини ўзгартириши республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади”³ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар бир асар, нутқ ва маърузаларида Ватан тақдири, юртнинг тинчлиги, тараққиёти, мустақииллик ва уни мустаҳкамлаш, миллий ғояни ёшлар қалбига сингдириш каби долзарб масалалар илгари суриб келинади. Миллий истиқлол ғоясини яратиш, шаллантириш ва жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштирувчи байроқ вазифасини ўташи кераклиги ҳақидаги илғор ғояларнинг муаллифи ҳам юртбошимиздир. Шундай экан, “Миллий ғоя ва маънавият асослари”, “Давлат ва хуқуқ асослари”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанларининг методологик асоси биринчи навбатда Призидентимиз асарлари бўлиб ҳисобланади. Юртбошимизнинг қўйидаги фикрларида бу масала янада яққол кўзга ташланади:

“Олдимизда турган энг муҳим масала, бу - миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишdir. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Биз наслимизнинг келажаги – соғлом авлод учун кураш бошладик. Шуном билан орден таъсис этдик ва маҳсус халқаро жамғарма туздик. Бу бежиз эмас. Соғлом деганда биз фақатгина жисман бакувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олмоғимиз шарт.

Ягона ва қўпмиллатли хонадонимиз - жонажон Ўзбекистонимиз олдида барчамизнинг фарзандлик бурчимиз борлиги маълум. Муқаддас ўзбек

³ Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим меёрий хужжатлар тўплами, 1-кисм.- Т.: “Шарқ”, 2001. - 19-б.

диёрида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана шу бурчини қалб қўри, ақл-идрохи ва истеъоди билан адо этиши ҳам қарз, ҳам фарздир⁴.

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб – олға юриш.

Янги мафқуранинг асл мазмуни – янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир.

Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини ҳис этадиган шахс бўлиши даркор. Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз ҳалқи олдидағи, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидағи бурчини адо этиши керак. Бу гап менга ҳам , сизга ҳам – барчамизга бирдай тегишлидир!

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: “Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки: “Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак⁵.

Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим⁶.

Бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни замонавий талаблар асосида ўқитишида энг аввало ёшлар онги ва шуурига ана шу фазилатларни сингдиришга, маънавиятли авлод тарбиясига эътибор қаратиш зарур. Чунки, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидағи ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”.

Маълумки, миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларфанларининг таълим-тарбиявий вазифаларини назарий ва амалий билимлар тизими асосидагина ҳал этиши мумкин.

Бу илмий дунёқараş, психология, педагогика, дидактика, фалсафа, демократик жамият қуриш, миллий ғоя ва миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларфанларини ўқитиши назарияси, дидактикасини ўз ичига олади. Бироқ биргина назарий билимларнинг ўзи етарли эмас. Ўқитишининг маълум мазмуни ва ўқитувчиларнинг ақлий фаолияти савияси билан таъсирланадиган у ёки буўқув йўналиши учун энг яроқли усулларини ва қўллай билиш дарсга тайёрланишда ёки дарснинг ўзида юзага келадиган аниқ методик вазифаларни хал этишни билиши зарур.

⁴Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat.Т., Ўзбекистон, 1993. - Б. 203-204.

⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. Т., Ўзбекистон, 1996. -Б. 110

⁶ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. Т., Ўзбекистон, 1996. -Б. 226.

З-масаланинг баёни: “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари шундаки, **миллий ғоя** - муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари-етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Миллий ғоя миллатнинг миллий ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий ўз-ўзини англаш - ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб этишига миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва ягона давлат асосида бирлашиши мумкин. Юқорида таъкидланган хусусиятлар шаклланмас экан, мамлакат иқтисодий ривожланиши жумладан интеллектуал салоҳияти ривожланиши мумкин эмас. Аммо унинг миллат сифатида ўз-ўзини англаши янада мураккаброқ жараён ҳисобланади. Чунки миллатнинг аксарият қўпчилигининг ягона моддий ва маънавий бойликларга эгалиги ҳиссиётининг шаклланиши, ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиш ҳисси жуда секинлик билан намоён бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов баён этишича, «Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб этишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман»⁷.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш, аввало, ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий ғоя атрофида уюшиш, миллатнинг ажралмас қисми эканлигини англаб этишга ҳам боғлиқ. Мамлакатимиз Президентининг фикрича, «Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган... одам демократик неъматларнинг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади... Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади»⁸.

Мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини англаб бўлмайди. Юксак ривожланган жамият эса ўзлигини анлаган шахслардан таркиб топади. Ўзлигини анлаган

⁷ Каримов И.А. Т.7. 132-154-бетлар

⁸ Каримов И.А. Асарлар. Т.11. 34-бет

ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало, ҳар бир инсоннинг шахси, интеллектуал салоҳияти, алоҳида «мени» билан боғлиқ. Ҳадисда айтилганидек, «Кимки ўзлигини таниса, роббини танийди».

Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг моддий ҳамда маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи ва ривожлантирувчи омил ҳисобланади. У фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, у миллатни «ҳаракат»га келтиради ва бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда миллий ўз-ўзини англаш омили миллатни жипслаштиради ва уни умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради. У ҳар қандай миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг энг муҳим омилидир. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради. Хитой файласуфи Шан Ян (мил.авв. 390-338) фикрича, “Нодон ҳалқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир”.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси ўлкамизни босиб олгандан сўнг ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тизими шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда: 1. Собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларини, қадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда. 2. Адолат, демократия ва ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажralиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини анлаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қиласи. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек ҳалқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзбек миллатида ўз-ўзини англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳозирги қуннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, ўқув муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш - бугунги кунда таълим босқичларида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишининг долзарб масалаларидандир.

Бугунги глобаллашув даврида таълим – тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) дадил кириб келиши устоз-мураббийлар зиммасига катта маъсулият юкламоқда. Давр билан ҳамнафас

қадам ташлаш замонавий педагоглардан изланувчанлик, ижодкорлик, ўз маҳоратини мунтазам оширишни тақозо этади.

Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини оширишда замонавий усул ва воситалардан фойдаланишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда талаба ва ўқитувчи ҳамкорлиги жуда муҳим роль ўйнайди. Талабада бу технологиялардан фойдаланишда замонавий усул моҳиятини ҳис қила олиш қобилияти кучли бўлиши керак. Талабада бу қобилиятни шакллантириш эса мазкур фан ўқитувчиларидан ижодкорлик ва маҳорат талаб этилади.

Бунинг учун қатор ишлар ташкил қилиниши лозим, жумладан:

- таникли олимлар ва ижодкорлар, шу фан бўйича туман(шаҳар), вилоят йил ўқитувчилари билан учрашувлар;
- янги технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- академ гурухларда замонавий технологияни акс эттирувчи мўъжазгина кўргазмалар ташкил қилиш;
- АҚТ имконияти ва қурилмаларидан самарали фойдалана олиши.

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ахлоқизликтини маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсинмасдан, эскилил сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Бугунги ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган кунда, истаган жойда туриб дунёning нариги чеккасидаги одам билан мулоқатга киришиш имконияти туғилган. Юртимида интернет тизими янада ривожланмоқда, асосийси ундан “Истаганингча яша, сенга ҳеч ким хўжайин эмас, сен эркинсан. Хоҳлаганингни қил, истаганинг билан юр” қабилида фойдаланмаслик зарур. Ёшларни “оммавий маданият”нинг “Истаганингча яша, сенга ҳеч ким хўжайин эмас, сен эркинсан. Хоҳлаганингни қил истаганинг билан юр” қабилидаги фикрлар, ғоялар орқали тарғиб қилинмоқда, ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилик онгини бошқарига уринмоқда.

Таълим муассасаларимизда талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз айтганидек жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб- chirмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замон талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Энг аввало ёшларга тўғри билим бериб, уларда кўникма ва малакани тўғри шакллантириб бориш лозим.

Назорат саволлари

1. Нима учун аввалги таълим тизимида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди?
2. Таълим узвийлиги ва узлуксизлигини ҳамда унинг қандай таъминланишини тушунтиринг.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Ф-1331-сонли Фармойиши қачон эълон қилинди?
4. Республикаиз узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим босқичларида миллий ғоя ва миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар фанларининг асосий фанларсифатида узлуксиз ўқитилиб келинишининг меъёрий-хуқуқий асосларини санаб ўтинг...
5. Нима учун Президентимиз асарлари миллий ғоя ва маънавият асослари”, “Давлат ва хуқуқ асослари”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанларининг методологик асоси бўлиб ҳисобланади?
6. Хитой файласуфи Шан Ян (мил.авв. 390-338) фикрича, “Нодон ҳалқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир” фикрини изоҳланг...

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси. 2001 йил 20 январь.
2. Таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида // Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17–52.
3. Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм.– Тошкент: Шарқ, 2003.– 66-70- б.
4. Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури тўғрисида. –Тошкент: Маърифат, 2004 йил 21 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта махсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини

таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1- сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарори, 2010 йил 1 июль. – Тошкент, 2010.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат. Т., Ўзбекистон, 1993.

8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.

9. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” Т.: Ўзбекистон, 2001.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. www.lex.uz
6. www.tdpu.uz.

2-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҢНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР: ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАРНИ КОММУНИКАТИВ АСОСДА ВА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ.

Режса:

1. Миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида ёндошиладиган асосий тамойиллар. Мазкур фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар.
2. Компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси.
3. Миллий ва маңнавият туркумига киравчи фанларнинг ўқитувчисига қўйиладиган талаблар. Ўқитувчининг шахсий хусусиятлари

Таянч тушунчалар: ўқитиши тамойиллари, компетенция тушунчаси, компетенциявий ёндашув, халқаро компетенциявий даражалар, давлат таълим стандартлари талаблари, компетенциялар турлари: таянч ва хусусий компетенциялар, йўналиш битиравчиларига қўйилаётган талаблар.

1 – масаланинг баёни: Миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларни ўқитиши жараёнида ҳар бир педагог ўкув юртининг специфик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятини талабалар жамоасининг умумий тайёргарликларига индивидуал ва дифференциал ёндошган ҳолда ташкил этмоғи ва амалга ошириб бормоғи лозим. Ёшлиаримизда миллий ғоя ва миллий мағкура тушунчаларини фаол шакллантириб бориш шубҳасиз уларнинг ғоявий-сиёсий камолотларида алоҳида аҳамият касб этади.

Жамият, маданият ва таълим ривожланаётган, глобаллашув тобора кенг авж олаётган бугунги кунда миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларни ўқитишида таълимий инновациялар татбиқини яхшилаш, улардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиши, инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини инновацион йўналтиришнинг зарурлигини қўйидаги ҳолатлар белгилайди.

•Биринчидан, ижтимоий-иктисодий янгиланишлар таълим сифатини янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлигини тақазо этади. Бунда педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва таълим жараёнига татбиқ этишини ўз ичига олган ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлиги таълим сиёсатини янгилаш воситаси сифатида намоён бўлади.

•Иккинчидан, таълим мазмунининг инсонпарварлашуви, ўкув предметлари ҳажми ва таркибининг ўзгариши таълимнинг янги ташкилий шакл ва технологияларини таълим жараёнига татбиқ этилишини талаб этади.

•Учинчидан, ўқитувчиларнинг педагогик янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга бўлган муносабатлари ўзгариб бормоқда. Аввал инновацион педагогик фаолият, асосан юқоридан таклиф этилган янгиликларни таълим жараёнига жорий этиш билан чекланган бўлса, ҳозир у

танланадиган тадқиқот характерига эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун, таълимни бошқариш ташкилотлари фаолиятида ўқитувчилар томонидан таълим амалиётига киритилаётган педагогик инновацияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун қулай таълимий шароит яратиш муҳим йўналишга айланмоқда.

Замонавий таълим амалиётида “таълимда инновация”, “педагогик инновация”, “таълимни модернизациялаш” каби атамалардан кенг фойдаланилади. Таълимни модернизациялаш таълим соҳасидаги давлат сиёсати, давлат миқёсида таълимни ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ бўлиб, таълим соҳасидаги модернизация масалалари давлат структураларининг ташаббуси билан ечилади. Педагогик инновациялар эса илмий мактабларда, таълим амалиётида ҳамда олим ва педагогларнинг ижодий фаолияти натижасида вужудга келади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида инновацион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини аниқлашда “янгилик”, “янгилик киритиш”, “янгиланиш”, “инновация”, “инновацион фаолият”, “инновацион жараён”, “инновацион маданият” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш муҳим аҳамиятга эга. Янгилик ҳар томонлама ўйлаб чиқилган, режалаштирилган, ўқув жараёнига мақсадли киритилаётган ҳамда мазкур кўринишида аввал учрамаган янги таълимий амалиёт (янги тартиб, услуб, метод, методология, технология ва б.) ҳисобланади.

Ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлигини шакллантиришда у ёки бу янгиликларнинг самарадорлигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор мезонлардан фойдаланиш лозим.

Педагогик инновация мезонларига қўйидагилар киради:

- янгилик;
- оптималлик;
- юқори натижавийлик;
- инновацияларни оммавий тажрибада ижодий қўллаш имконияти.

Таълим муассасаларида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик инновациянинг асосий мезони **янгиликдир**.

Шунинг учун, инновацион педагогик жараёнда иштирок этишни истаган миллий ғоя ёки миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларфани ўқитувчиси тақдим этилаётган янгиликнинг моҳияти нимада эканлиги ҳамда янгиликнинг даражасини аниқлаб олиши муҳим ҳисобланади. Чунки баъзи ўқитувчилар учун бу ҳақиқатан янгилик бўлиши, бошқалар учун эса бундай ҳисобланмаслиги мумкин. Шу боис, ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга жалб этиш жараёнига уларнинг хоҳиши, шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларини инобаттга олган ҳолда ёндашиш керак.

Янгилик қуидаги босқичларга (даражаларга) бўлинади: абсолют, локал-абсолют, шартли, субъектив, таниқлик даражаси ва қўлланиш соҳаси билан фарқланувчи.

Оптималлик педагогик инновация самарадорлигини аниқловчи мезон сифатида белгиланган натижага эришиш учун ўқитувчи ва талабанинг сарфлаган куч ва воситаларини белгилайди. Турли ўқитувчилар ўзининг ва талабаларнинг меҳнат интенсивлиги турлича бўлганида бир хил натижага эришишлари мумкин. Таълим жараёнига кам куч ва вақт сарфлаб педагогик инновацияларни татбиқ этиш ва юқори натижаларга эришиш унинг оптималлигидан далолат беради.

Юқори натижавийлик педагогик инновациянинг мезони сифатида ўқитувчилар фаолиятидаги ижобий натижаларнинг турғунлигини белгилайди. Баҳолашдаги технологиялилик, натижаларнинг кузатилиши ва белгиланиши, тушуниш ва баён этишдаги бирёқламалилик таълимтарбиянинг янги усул ва услубларининг аҳамиятини баҳолашда мазкур мезоннинг муҳимлиги кўринади. педагогик инновациянинг юқори натижавийлик мезонининг қиммати баркамол шахсни шакллантиришни таъминлаш ҳисобланади.

Оммавий тажрибада инновацияларни ижодий қўллаш имкониятлари мезонини педагогик инновацияларни баҳолаш мезони сифатида ифодалаш мумкин. Оммавий педагогик тажрибада инновацияларни ижодий қўллаш алоҳида ўқитувчилар фаолиятининг бошланғич босқичида тасдиқланади. У тажриба-синовдан ўтганидан ва объектив баҳоланганидан сўнг оммавий татбиқ этишга тавсия этилиши мумкин.

Ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш, уларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришда ўқитувчиларда қуидаги элементларнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади:

- ўқитувчиларнинг янгиликларни қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи мотивлар, қарашларнинг мавжудлиги, уларда инновацион йўналганликнинг шаклланганлиги;
- креативлик ва индивидуаллик, фаолиятли ўзини англаш каби ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги;
- ўқитувчиларда педагогик маданиятнинг ривожланганлиги;
- ўқитувчиларда анъанавий топшириқларни вариатив услубда амалга оширишни таъминлайдиган технологик компонентнинг шаклланганлиги;
- ўқитувчиларда инновацион жараёнда ўзи ва мазкур жараёндаги ўрни ҳақида адекват тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи рефлексиянинг мавжудлиги.

Инновацион маданиятга касбий ҳодиса сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки маданият касбнинг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, мутахассис қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар, жамият ҳаётидаги турли соҳаларга, яъни меҳнат, майший хизмат, дам олиш, таълим ва мулоқат соҳаларига янгиликларни киритади.

Ўқитувчиларнинг умуммаданий сифатларига маънавий, фуқаролик сифатлар ва эрудиция (билимдонлик) киради.

Ўқитувчиларнинг юқори даражали самара берувчи янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга кўмаклашувчи *касбий сифатларига* қуидагилар киради:

- ўқитувчиларнинг ўз предметини билиши;
- технологик маданиятга эгалиги;
- психологик маданиятининг ривожланганлиги.

Педагогик фаолиятни инновацион йўналтиришнинг асосий омилларидан бири ўқитувчиларда муайян шахсий сифатларнинг ривожланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун, ўқитувчиларнинг инновацион маданиятини шакллантиришда унда қандай шахсий сифатлар ривожланган бўлишини аниқлаштириб олиш лозим.

Ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг инновацион маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизмида ўқитувчиларнинг учта шахсий хусусиятлари ажратиб олинди. Буларга қуидаги *шахсий сифатлар* киради:

- ўқитувчиларнинг талабаларга ривожланаётган субъект сифатида муносабатда бўлиши;
- ўқитувчиларда инсоний ўзаро муносабат маданиятининг ривожланганлиги;
- ўқитувчиларнинг ўзига ривожланаётган субъект сифатида қарashi.

Ўқитувчининг инновацион маданиятини қуидаги ўзаро боғлик компонентлар йиғиндиси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Булар, технологик, фаолиятли, коммуникатив, шахсий-ижодий компонентлар.

2 – масаланинг баёни: Ҳозирги кунда таълим соҳасида “компетенция”, “компетенциявий ёндашув”, “компетентлилик” тушунчалари фаол қўллана бошлади.

Айтиш жоизки, луғатларда ушбу сўзларнинг маънолари турлича изоҳланади. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да компетенция сўзига қуидагича таъриф берилади:

“Компетенция- (лат. Competere- лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1) Муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий хужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси”.¹⁸

Русча-ўзбекча таржима луғатларида эса бу сўз қуидагича шарҳланади: “Компетенция-1. Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа; 2. юр. хукуқ (вазифа, иш) доираси.”;

“Компетенция-1. Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2. Ваколат, хукуқ ихтиёр; Компетентн/ый,-ая, ое,-тен, -тна-етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-бет.

хуқуққа эга бўлган; ваколатли; **Компетентность**-чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик.”¹⁹

Берилган изоҳлар таълим соҳасида компетенция сўзини лаёқат, компетентликни эса лаёқатлилик деб, **таълимга компетенциявий ёндашувни** эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим йўналиши, деб тушуниш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тили материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равища қўллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш, яъни тилни мақсадли равища амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришдан иборат.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, талабаларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равища касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қиласди.

Компетенциялар 2 асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади. **Таянч компетенциялар** инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч қеладиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, у

1) коммуникатив компетенция:

- жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тилини (ёки бошқа бир тилни) мукаммал ўзлаштириш ва мулоқотда самарали фойдалана олиш;
- ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;
- мулоқотда сухбатдош фикрини хурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиш ва сухбатдошини ишонтира билиш;
- турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда конструктив қарорларни қабул қила олиш.

2) ахборот билан ишланиш компетенцияси:

- мавжуд ахборот манбаларидан (*интернет, телевизор, радио, телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.*) фойдалана олиш;

¹⁹ Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. – Б.456.

- медиа воситалардан керакли ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш;

- маълумотлар базасини яратা олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш;

- кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш.

3) шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши компетенцияси:

- ўзини шахс сифатида мунтазам ривожлантириб бориш, жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш;

- ҳаёти давомида ўқиб-ўрганиш, билими, тажрибасини мустақил равишда ошириб бориш;

- ўз ҳатти-ҳаракатини адекват баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилик каби сифатларга эга бўлиш;

- ўқиб-ўргангандарни ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш.

4) ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш;

- ўз фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш

- фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;

- касбий мавқеининг ўсишига интилиши орқали жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саҳоватли бўлиш.

5) умуммаданий компетенциялар

- Ватанига садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;

- бадиий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш;

- кийиниш, юриш-туриш ва муомала-мулоқот юритишида маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;

- умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш ва эъзозлаш;

- ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, саҳийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник ҳусусиятлари, анъана ва маросимларини хурмат қилиш;

- халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

6) математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши ҳамда фойдаланиши компетенцияси:

- аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини тузса олиш;

- шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш;

- кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш;

- инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, соҳага тегишли **хусусий компетенциялар** ҳам шакллантирилади. Жумладан, миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитишда ўрганишда талабалардан *ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, ахборот билан ишилди компетенцияси, коммуникатив компетенция, шахс сифатида ўз-ӯзини ривожлантириши компетенцияси билан бирга социокультурологик, прагматик компетенцияларни эгаллашлари ҳам талаб этилади*.

1. Социокультурологик (ижтимоий-маданий) компетенцияда шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ҳолда ёки ўз миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш ҳамда сўзловчининг коммуникатив мақсаддан келиб чиқсан муайян нутқий вазиятга мос ифода усулини танлаш имкониятини ҳосил қилиш, яъни: ўзбек тилидаги саломлашиш, мурожаат шакллари, муомала одоби меъёрларини кўзда тутади. Ушбу лаёқат талабаларни ўз халқнинг бой тарихи, миллий қадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқиндан танишиш, уларни ўқиб ўрганиш, шундан келиб чиқиб, халқнинг тарихий, маданий ҳаётига хос муҳим лавҳаларни, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган ўзбек халқи вакилларининг ижодий меросини ўрганиш орқали шакллантирилади.

2. Прагматик компетенция миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанлар бўйича кундалик ҳаётида эгаллаган билим, кўникумлари асосида мустақил равишда мулоқотга кириша олиш қобилиятини, коммуникатив вазиятларда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такороран сўраш, узр сўраш орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, ўзаро суҳбатлашиш, суҳбатга қўшилиш, эгалланган билимларнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутади.

Қайд этилган компетенциялар таълим олувчиларда шахсий, маънавий, ижтимоий, касбий кўникум-малакаларини таркиб топтиришга ва эгаллаган билимларини турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган лаёқатларини шакллантиришга олиб келади .

Қайд этилган компетенциялар ҳам *умумтаълимий мақсадни*, ҳам *тарбиявий мақсадни* кўзда тутади ҳамда таълим олувчиларда эгалланган билим, кўникум ва малакаларни турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган **метакомпетенциялар** таркиб топишига олиб келади.²⁰ Бироқ кўзда тутилган провард натижага эришиш учун ҳар бир таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган компетенцияларнинг меъёрий даражаси талабларини бажарилишини таъминлаш керак бўлади.

З-масаланинг баёни: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таҳминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар кўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Ўқитувчи (педагог) педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларида судланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи қиёфасида қуидаги фазилатлар намоён бўлиши керак:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англашиб этиши ҳамда бу борада талабаларга тўғри, асосли Маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чукур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қўйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

а). нутқнинг тўғрилиги;

б). нутқнинг аниқлиги;

в). нутқнинг ифодавийлиги;

г). нутқнинг соғлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки қ мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вулғаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д). нутқнинг равонлиги;

е). нутқнинг бойлиги (хикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида талабанинг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши ўзлаштиришга эришиши.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Талаба, ота-оналар ҳамда ҳамкаслари билан мулоҳот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, талаба (ёки ҳамкаси, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эҳтироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан сухбатдошига нисбатан хайриҳоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг талабалар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эхтибор қозонишини таҳминлайди.

Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари. Ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини намоён эта олиши, етук педагог сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳорат – юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти бўлиб, у доимий равишда педагогик билимларни ошириб бориш, янгиликлардан хабардор бўлиш, илғор технологияларни ўзлаштириш асосида таркиб топади. Ёш, шунингдек, таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига таъминланади. Улар қуидагилардан иборат:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш (педагогика фанида рўй берадиган янгиликлар ҳақида Маълумотларни берувчи янги адабиётлар, Интернет материаллари, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилаётган Маълумотлар, шунингдек, илғор технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳаларни тайёрлаш).

2. Ҳамкасб тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш (таълим муассасасидан четга чиқмаган ҳолда ташкил этилиб, вақт, шунингдек, иқтисодий нуқтаи назардан самарали саналади. Тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир).

3. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курс (институт)ларида касбий малакаларини ошириш.

4. Доимий равишда илмий анжуманлар (назарий ва амалий конференция ҳамда семинарлар, педагогик ўқиши ҳамда тренинглар)да фаол иштирок этиш.

5. Республика ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш (стажировка).

Айни вақтда республикада «Устоз» жамғармасининг ҳомийлигига таълим муассасаларининг ўқитувчилар ривожланган хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг таълим тизими ва иш тажрибаларни ўрганмоқдалар.

Педагогик маҳоратни эгаллашда гурухли ва оммавий тадбирларда иштирок этиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай мухитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган қарашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч

ҳосил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни аниклаш ҳамда уларни баратараф этиш йўлларини топиш имконияти мавжуд.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таҳминлаш гарови бўлибгина қолмай, айни вақтда ўқитувчининг жамоадаги обрў-эҳтиборини ҳам оширади, талабаларга унга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, талабалар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таҳминловчи фикрга эга бўлмайди. Уларнинг педагогик маданиятлари негизини болани тушуна олиш, унга инсбатан инсонпарвар муносабатда бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, педагогик фаолиятнинг ҳақлиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда талабалар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларнинг ҳаёт мавжудлигини таҳминлашда қудратли омил (восита) эканлигига ишонч кабилар ташкил этади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бугунги кунда юқорида қайдэтилган сифат ва хусусиятлар педагогларимиз учун етарли дейиш қийин. Айни вақтда педагог ва психолог олимлар томонидан ўқитувчилар эгаллаши ва шакллантириши зарур бўлган, замонавий ўқитувчига қўйилаётган талаблар қаторида педагогик қобилиятларга алоҳида аҳамият беришни мақсадга мувофиқ деб топишмоқда. Ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштиришдаги баъзи бир қобилияти бўлмаса у бошқаси билан ўрнини тўлдиради ва бунда ўкув фаолиятига ҳеч қандай тўсик бўлмайди. Шу нарса аниқки **педагогик маҳоратнинг** доимий мукаммаллашуви ўқитувчининг ўз мақсадларини, педагогик фаолиятда пайдо бўладиган шахсий имкониятларини (характер хусусиятлари, оғишишлар) англашни тўлиқ тушуниши лозим. Ҳар бир ўқитувчидаги қобилиятлар шаклланган бўлиши талаб этилади:

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишдир.

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Узоқийллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали психологик билимлардан иборатлилигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилият тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўкув материалини аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқишийғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятдир. Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўкув материалини осонрок мураккаброғини соддароқ тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб талабаларга мослаштириб бераолади.

Академик қобилиятлар - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир. Қобилиятили ўқитувчи ўз фанини фақат курс ҳажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чукур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузатиб бориб, ўкув материалини мутлақо эркин эгаллаб унга катта қизиқиши билан қарайди, ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиши бошқаларини қойил қилиб ҳайратда қолдириши, талабаларда катта қизиқиши уйғота олиш учун у юксак маданиятили ҳар томонлама кенг билимдон одам бўлиши лозим.

Перцептив қобилиятлар – бу талабанинг тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, талаба шахсини вақтинчалик, психик ҳолатлари билан боғлик, нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятлардир.

Нутқ қобилияти - кишининг ўз туйғу ҳисларини нутқёрдамида шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти - бу биринчидан талабалар жамоасини ўюштира билиш, унда жамоани жисплаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини туғри ташкил қила олиш қобилиятидир.

Авторитар қобилият - ўқитувчининг ростгўйлик, иродавий улдабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлилиги каби иродавий ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга шу билан бирга талабаларнинг тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш унинг эътиқоди, талабаларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олишга ишонч каби ҳислатларга ҳам боғлиқдир.

Коммуникативлик қобилияти - бу болалар билан мулоқотда бўлишга талабаларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувоғиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлилигига қаратилган қобилиятдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - бу қобилият бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида фоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиялардан ташқари ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлак каби қатор инсоний хислатларга эга бўлиши лозимдир.

Ўқитувчининг касбий фаолияти фавқулодда умумий ва хусусий қобилияларни талаб қиласди.

Касбий-педагогик фаолиятнинг муваффақияти **хусусий педагогик қобилияларга** боғлиқ бўлади. Педагогик қобилияларнинг қўйидаги гурухлари фарқланади:

- объектга (талабага) нисбатан сезгирлик;
- коммуникативлик – инсонларга юз тутиш, хайриҳоҳлик, муомалалик;
- перцептив қобилиялар – касбий етуклиқ, эмпатия, педагогик туйғу;
- шахс динамикаси – иродага таъсир эта олиш ва мантикий ишонтира олиш қобилияти;
- ҳиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;
- креативлик – ижодий иш қобилияти.

Педагогнинг хусусий қобилияларига билим, малака ва қўникмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилияларига қўйидагилар киради:

- талабани тушуниши кўриш ва сезиш, бундай тушунишининг даражасини ва ҳарактерини ўрнатиш қобилияти;
- ўқув материалини мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;
- материални етарли баён қилиш, унинг барча талабаларга тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;
- талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;
- ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;
- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;
- ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;
- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилияларга қўйидагилар киради:

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);
- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;
- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;

- муроқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;
- ҳурмат қозониш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

Педагогик қобилиятлар ичida педагогик муроқотга бўлган қобилият алоҳида ажralиб туради.

Ўқитувчининг талабалар билан давомий ва самарали алоқаларини ташкил этишни коммуникатив қобилият билан боғлайдилар.

Коммуникатив қобилият – бу педагогик ўзаро алоқалар доирасидаги ўзига хос тарзда намоён бўладиган муроқот қобилиятидир.

Психологияга оид адабиётларда коммуникатив қобилиятларнинг бир неча гуруҳлари фарқланади:

1. Кишининг бошқа кишини билиши. Бу қобилиятлар гуруҳида кишига шахс сифатида, шахснинг алоҳида қиёфаси, мотиви ва хатти-ҳаракатларига баҳо беришни, кишининг ташқи кўриниши, хулқи ва ички дунёси нисбатига баҳо беришни; савлати, имо-ишора, мимика, пантомимикасини «ўқий» олишни қамраб олинади.

2. Кишининг ўз-ўзини билиши. У ўз билимларини, қобилиятларини ўз ҳарактери ва ўз шахсининг бошқа қирраларини ҳамда ташқаридан ва унинг атрофидаги кишилар унга нисбатан қандай баҳо бериши лозим бўлса, шундай баҳо беришни кўзда тўтади.

3. Муроқот вазиятини тўғри баҳолай олиш. Бу вазиятни кўз атиш, унинг кўпроқ ахборот берадиган белгиларини танлаш ва унга дикқатни жалб қилиш; юзага келган вазиятнинг социал ва психологияк мундарижасини тўғри идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

Назорат саволлари:

1. Кейинги йилларда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишига қандай замонавий ёндашувлар жорий қилинмоқда?
2. “Компетенция”, “компетентлик”, “компетенциявий ёндашув” атамаларининг маъноларини изоҳланг.
3. Компетенцияларнинг турлари ва меъёрий даражаси талаблари ҳақида маълумот беринг.
4. Таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига таъминланади. Улар қайсилар?
5. Педагогик қобилият ва дидактик қобилиятнинг моҳиятини тушунтиринг...
6. Миллий ғоя ва маънавият туркумига ки рувчи фанларни ўқитишида педагогик ва дидактик қобилиятнинг ўрнини изоҳланг...

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»

фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси. 2001 йил 20 январь.

2. Таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида // Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17–52.

3. Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм.– Тошкент: Шарқ, 2003.– 66-70- б.

4. Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури тўғрисида. –Тошкент: Маърифат, 2004 йил 21 май.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1- сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарори, 2010 йил 1 июль. – Тошкент, 2010.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat.- Т., Ўзбекистон, 1993.

8. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993

9. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.

10. Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983.

11. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” -Т.: Ўзбекистон, 2001.

12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4–жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. www.lex.uz
6. www.tdpu.uz.

**З-мавзу. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА
МАЊНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИНГ
ЎҚИТИУВЧИЛАРИ ВА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК
КАДРЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ
ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР, ЎҚУВ ФАНИ
МАЗМУНИНИ ШУ АСОСДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ЛОЙИХАЛАШТИРИШ**

Режса:

1. Олий таълимда миллий ғоя ва мањнавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида қуи таълим босқичлари билан узлуксизликни таъминлаш.

2. Олий таълим муассасалари барча йўналишларида “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ҳамда “Мањнавият асослари” фанларини ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Бўлажак миллий ғоя, миллий ғоя ва мањнавият туркумига кирувчи фанлар ўқитувлари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

Таянч тушунчалар: олий таълим муассасалари, олий таълим муассасалари барча йўналишлари, қуи таълим босқичлари, классификатор, намунавий дастур, ишчи ўқув дастури, мутахассислик йўналишлари, ихтинослик соҳалари, олий малакали илмий-педагогик кадрлар, компетентлик даражаси

1-масаланинг баёни: Олий таълим республикамиз таълим тизимининг муайян соҳалар бўйича мутахассислар тайёрловчи энг юқори таълим босқичи бўлиб, талабаларни соҳавий, касбий фаолиятига йўналтириш, ҳар бир фанни мутахассислик йўналиши билан боғлаб бориш, талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганиш фаолиятини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, олий таълимдаги дидактик тамойиллар тизимида илмийлик, онглилик, касбий йўналтирилганлик, фаоллик, мустақиллик ва индивидуаллик каби таълимнинг тарбияловчи ва такомиллаштирувчи тамойилларини ўзаро узвий боғлиқликда қўшиб олиб бориш талаб қилинади. “Ёшлар йили” давлат дастурида “*Таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириши, мактаблар, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув муассасаларидағи таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиши ҳамда янгилаш*”¹ вазифаси ўртага қўйилган эди. Ушбу муҳим вазифани амалга ошириш учун, хусусан, олий

¹ “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. –Тошкент: Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.

таълим босқичида берилиши режалаштирилган билимлар таълимнинг узлуксизлик ва ривожлантирувчи тамойиллари асосида қуи таълим босқичларидан мазмуний узвийликда ўсиб чиқадиган, айни пайтда олий таълим йўналишларига мос, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун ёрдам берадиган бўлишига эришиш зарур бўлади.

Умумтаълим мактабларида 1,-4 синф “Одбонома” (“Азбука этики”), 5-6-синфлар “Ватан туйғуси” (“Чувство родини”), 7-8-9-синфлар “Миллий истиқтол ғояси ва маънавият асослари” (“Идея национальной независимости и основы духовности”) фанлари ўқитилади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими ва олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичида “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ҳамда “Маънавият асослари”, магистратура босқичида “Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фани ўқитилади.

Бундан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-мафкуравий тарбиялашдир.

Мафкуравий тарбия - инсон, ижтимоий гурӯх, миллат, жамият дунё-қарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён.

Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумiga киравчи фанларни ёшлар онгига сингдиришда қуидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ватанпарварлик туйғусини таркиб топтириш.
2. Миллий урф-одатлар, анъаналарга хурмат ҳиссини шакллантириш.
3. Ҳар бир ёшнинг маърифатли ва маданиятли шахс этиб тарбиялашга индивидуал ёндошиш.
4. Миллат руҳи, ғурури ҳамда Ватанга садоқат, умуминсоний қадриятларга хурматни шакллантириш.
5. Таълим тизимида Шарқ ва Фарб давлатларининг таълим-тарбияда эришган ютуқлари билан танишиш ва уларни амалиётга жорий қилиш.
6. Ислом дини таълимоти ва ундаги маънавий-маърифий тушунчаларни талаба-талабаларнинг ёш хусусиятига қараб, дастур ва дарсликларга киритиши.
7. Ҳар бир талаба-талабанинг мустақил фикрлашига ва ижодий изланишига йўл очиб бериш.
8. Талаба-талабаларда интизомлилик ҳамда қатъиятлилик руҳини барқарорлаштириш.

Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва мафкурани сингдириш қуидаги босқичларда амалга оширилишини ҳисобга олиш зарур:

- 1-босқич. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга миллий ғоя ва мафкурани сингдириш;
- 2-босқич. Умумий ўрта таълим мактаблари талабаларига миллий ғоя ва маънавият туркумiga киравчи фанларни сингдириш;

3-босқич: Ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида ёшларга миллий фоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни сингдириш;

4-босқич. Олий таълим тизимида талаба-ёшларда миллий фоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни шакллантириш;

5-босқич. Миллий фоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни бўйича педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тизимли асосда йўлга қўйиш.

Миллий фоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни талабалар онгига сингдиришда ўқув жараёнини узвийлик-узлуксизлик асосида самарали ташкил этиш йўллари

- фан бўйича билимларни бериш ва тегишли малака ва кўникмаларни ҳосил қилишда замонавий педагогика фани ютуқларини самарали қўллаш;
- дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича дарс ишланмаларини яратиш;
- дарсларни ўқитишда, тарбиявий ишларда янги педагогик технологиялар, инновацион усувлардан унумли фойдаланиш;
- талаба-талабаларни аниқ, улар бажара оладиган вазифалар бериш, ижросини назорат қилиш, таъминлаш ҳамда рағбатлантириш;
- фанга нисбатан талаба-талабаларда қизиқишиш уйғотиш;
- жорий, оралиқ ва якуний назоратни амалга ошириш учун мавзулар, бўлимлар, боблар бўйича назорат турларини аниқлаш ва улар учун материалларни тайёрлаш;
- билимларни баҳолашда талаба-талабанинг мустақил фикрлаши, ҳаётий мисоллар келтира олиши ёки ўз ҳатти-ҳаракатлари мисолида тушунтира олишига кўпроқ эътибор бериш;
- талаба-талабанинг фан асосида Ватан, миллат ва унинг келажагига бўлган муносабатини унинг ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлишига эришиш;
- фанга оид алоҳида аудитория хоналарининг миллий фоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни ўқитишиш талабларига мувофиқ жиҳозланишини таъминлаш;
- ҳар бир мавзуни ёритишда камида битта интерфаол услубни қўллаш ва кўргазмали қуролларга эга бўлиш;
- маънавий-маърифий тадбирларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг барча жабҳаларини қамраб олиши;
- талаба-талабаларнинг ҳаётни тўла англашга, бугунги кунни қадрлашга, жамиятнинг етук аъзоси бўлиб етишишга интилишларига қўмаклашиш;
- талабаларбилимларини баҳолашнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва рағбатлантириш.

Француз файласуфи Шамфор Никола Себастиан Рок (1741-1794) фикрича, «Тарбия икки нарсага: ахлоққа ва мулоҳазакорликка таянмоғи керак. Ахлоқ эзгуликка тиргак бўлса, мулоҳазакорлик ёмонликдан асрайди. Агар сиз фақат ахлоққа суюнсангиз, анқов ва жавокашларни, фақат мулоҳазакорликка таянсангиз, ўзига пишиқ ҳудбинларни тарбиялаб етиштирасиз»¹, деган эди.

Ўзбекистонинг мустақил тараққиёт стратегиясининг, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устивор йўналишлариданdir.

Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақазо этилади.

Таълим-тарбия соҳалари миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишлариданdir.

Бунда қуйидаги вазифалар қўзда тутилади:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равища миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурни яратиш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида талабаларонгида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларсини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
- Ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ғояларини теран акс эттириш;
- Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;
- Педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билмларини чуқурлаштириш.

2-масаланинг баёни: Маълумки, олий таълим муассасалари олий таълим йўналишлари классификаторида қайд қилиб ўтилган ихтисослик соҳалари бўйича мутахassisлар тайёрлайди. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар умумметодологик, яъни гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, умумкасбий, мутахassisлик ва танлов фанлари ўқув блокларига ажратилади ва олий таълим ўқув режасига биноан ҳар бир фаннинг ўқув соати аниқ белгилаб берилади. Ушбу тақсимот қанчалик пухта, чукур ҳисоб-китоб асосида тузилганига қарамай, айрим фанларни режалаштиришда таълим йўналиши хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмаган ҳоллар ҳам мавжуд. Чунки ҳар бир фандан бериладиган билим ва малакаларни мутахassisлик фанларига ҳам боғлаб ўтиш зарурати ушбу блокдаги ўқув фанлари бўйича тузиладиган ўқув дастурларининг мутахassisлик йўналишларига мувофиқ тузилишини ва соат тақсимоти ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда белгиланишини тақозо этади.

Олий таълимнинг ҳар бир йўналиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ўқув материалини танлаш ва таълим услубиётини белгилашда, албатта, ўз аксини топади. Лекин барча йўналишларда умумий биринчи-ижтимоий-гуманитар фанлар блокига киритилган. Ана шу фанлар блокида Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар ҳамда Миллий ғоя ва маънавият

туркумiga кирувчи фанлар фанлари ҳам ўқитилади. Ўқув режасига биноан ушбу блокдаги ўқув фанлари барча олий ўқув муассасаларида бир хил ҳажмда ўқитилиши режалаштирилган. “*Таълим амалиёти ва назариясининг вазифалари турлича бўлгани ҳолда обьект, материал ва манфаатлар умумийдир-уибу обьектнинг қурилишини яқунлашдир*” деб ёзган эди Г. А. Золотова.²

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001-йил 18-январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани дастурларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-1331-сонли Фармойиши ҳамда 2006-йил 25-августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли ва 2014-йил 6-февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли Қарорида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш, миллий ғояни талаба-ёшлар қалбига сингдиришда таълимнинг барча соҳаларини қамраб олиш учун “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, бўлғуси мутахассис кадрларнинг миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанлар борасидаги билимларини чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Барча таълим босқичлари, айниқса олий таълим муассасалари мағкуравий тарбиянинг асосий ўчоқлариdir. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мағкуравий таълим жараёнида, барча намунавий ва ишли ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устивор аҳамият касб этиши лозим:

- Ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳаббат уйғотиш;
- миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- оилани ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш;
- маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунириш;
- умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш;
- диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини Англатиши;
- маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботловчи;

² Золотова Г. А. Некоторые вопросы синтаксической теории и обучение к русскому языку // Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. – Москва: Русский язык, 1995. –С. 35.

- тарихнинг, мафкуранинг фалсафий асосини яратишдаги аҳамиятини очиб бериш;
- хуқуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим омили экани тўғрисидаги маълумотларни қўпайтириш.

Бу ишлар миллий ғоя фанининг маъно мазмуни ва уларни ўқитиш технологияларини такомиллаштиришни, ёшларни мустақил фикрли бўлишга, ижобий ўзгаришларга бефарқ бўлмаган, чуқур билимларга интилиб яшашга ўргатишни тақазо этади. Таълим жараёнида ижтимоий тренинг машғулотларининг миллий менталитетга мос шаклларидан самарали фойдаланиш тарихий ва маданий меросни чуқур ўрганиш билан бир қаторда илфор, замонавий билимлар эгаси бўлишга интилишнинг ошишига туртки бўлади. Таълим муасасаларида яратилган ўкув қўлланмаларидан тортиб, синфлар ва аудиторияларгача барчасини мафкуравий таълим берувчи ижтимоий рекламалар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқдир. Ёшлардаги соғлом дунёқараш ва илмга иштиёқни ҳар томонлама қўллаб-куvvатлашда хомийлик ва васийлик ташкилотлари имкониятларидан тўла фойдаланиш ва шу орқали жамият кенг қатламлари вакилларини таълимтарбияни такомиллаштириш ишига сафарбар этиш зарур. Дунёвий илмларни мукаммал билиш дарийлик белгиси эмаслигини ҳар бир ёшнинг теран англаштириши муқаддас ислом динимизнинг иймон-эътиқодга, инсоф-диёнатга чорловчи кучини янада оширади. Энг муҳими-мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» ҳар томонлама баркамол, билимли, малакали ёшларни вояга етказишининг жамиятимиз томонидан қабул қилинган тарихий хужжати эканини тушунтириш ва уни амалга оширишга бутун кучни сафарбар этиш зарур.

3-масаланинг баёни: Маълумки, миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва хуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйидаги умумий ва касбий талаблар қўйилган:

а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадрияtlар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йифиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш **уқув ва қўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

б) касбий талаблар:

- миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларва ҳуқуқ таълими фанларининг фан соҳаси сифатида шаклланиши, мазкур соҳалар бўйича олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

- ҳуқуқшуносликка оид асосий масалаларни ечиш;

- миллий ғоя, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий меросни авайлаб асраш, манбалар ҳусусиятларини билиш;

- миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ соҳаларининг жамиятдаги ўрни, уларнинг ҳуқуқий асосларини билиш;

- миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқшунослик тарихига оид манбаларни мустақил ўрганиш ва уларни;

- миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларва ҳуқуқ таълим мининг ўзига хос тузилиши ва услубларини, соҳага оид адабиётларнинг библиографик ҳамда тарихий таҳлилини амалга ошириш, амалда қўллаш;

- жаҳонда юз бераётган замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларда маънавий-маърифий омилнинг ўрнини аниқлаш ва тўғри хulosса чиқара олиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш;

– ахборотларни түғри истифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

Бўлажак миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган ана шу талаблардан келиб чиқкан ҳолда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишда қўйидаги педагогик масалалар эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади:

1. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларнифанини ўқитишга ижодий ёндашиш зарур. Хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хос далиллар, халқимизнинг тарихи, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга асосланиш, оддий ҳаётдан олинган мисолларни қўллаш ижобий натижа беради.

2.Фанни ўқитишда асосий манба сифатида Президент Ислом Каримов асарларига таяниш ва халқимизнинг оғзаки ижодиёти намуналари, Ватанимизнинг бой тарихий меросига мурожаат қилиш орқали миллий ғоянинг негизларини тушунтириш зарур. Талаба ва талабаларда миллий қадриятларни ўрганиш, уларни асрраб-авайлаш, миллий қаҳрамонларимиз, улуғ аждодларимиз ҳаётига қизиқиш уйготиш, улардан ўrnak олишга эҳтиёж уйғотиш лозим. Талаба-ёшларда узоқ ва яқин ўтмиш тўғрисида бир томонлама, ўта содда, нотўғри тасаввур ҳосил бўлишидан сақланиш жуда муҳимдир.

3.Фанни ўқитишга ўта илмий ёндашиш ёки уни меъёрдан ортиқ соддалаштиришга, “насиҳатгўйликка”, мавсумийликка берилиб кетишдан сақланиш керак. Ютуқ ва муаммоларни чуқур таҳлил этиш, ёшларнинг ўзини уларга жавоб топишга қизиқтириш, муҳокамаларда эркин иштирок этишини таъминлаш керак. Профессор-ўқитувчининг шахсий ибрати, таълим ва тарбия бирлигига амал қилиши ўта муҳимдир.

4.Миллий ғояга расмиятчилик билан ёндашмаслик, уни бир андозага солиб қўймаслик керак.

5.Миллий ғоя ва маънавиятнинг моҳиятини ўргатишда фикрлар хилмачиллиги демократик ҳаёт тарзининг таркибий қисми эканини талабаларга етказишга алоҳида эътибор бериш зарур.

6.Мафкуралар ўртасидаги кураш кескинлашган тарихнинг ҳозирги глобаллашув палласида вайронкор ғоялар, информацион хуружлар таъсирининг қучайиши барча давлатларда ҳам ҳалокатли оқибатларга, бунёдкор ғояларнинг тантанаси эса жамиятни тараққиётга олиб боришини тарихий мисоллар билан исботлаш зарур.

7.Талабалар бугунги ўтиш даврига хос қийинчиликларнинг илдизларини, эски тузумга хос бокимандалик кайфиятидан қутулишнинг осон кечмаётганини англаши, бундан халос бўлиш учун эса одамлардаги онг ва тафаккур ўзгаришига, уларда ўз имкониятларига таяниш, ташаббускорлик, фидоийлик туйғуси шаклланиши зарурлигини чуқур идрок этишлари лозим.

8.Талаба ва талабаларнинг диққатини миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларнинг ҳаётбахш жиҳатларига қаратиш, унинг келажакка

йўналтирилган, халқимизни пировард мақсадлар йўлида бирлаштирадиган мақсадлар билан суғорилган назария эканини уларнинг онгига сингдириш лозим. Мақсад ёш авлоднинг бугунги таҳликали дунёда оқ билан қорани фарқлайдиган кишилар бўлиб етишишига қаратилган бўлиши зарур. Бу борадаги ишларда узилиш бўлмаслиги, тасодифийликка, мавсумийликка йўл қўйилмаслиги, хўжакўрсинга иш қилинмаслиги, бундай салбий ҳолатлар рўй берганда зудлик билан уларнинг олдини олиш лозим.

9.Дарс бериш жараёнида, маънавий-маърифий тадбирларда ҳаётдан, замондошларимизнинг кундалик фаолиятидан, турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлардан мисоллар келтириш билан ёшларнинг фанга қизиқишини ҳосил этишга эришиш мумкин. Бунда оммавий ахборот воситалари хабарлари, жойлардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, замонамиз қаҳрамонлари, ижодкор ёшлар билан учрашувлар, ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Улуғ педагоглар таълим натижасида фақат билимлар ҳажми ҳамда кўникма ва малакалар кенгайиб қолмасдан, балки шахсий сифатлар ҳам шаклланишини айтганлар. Жумладан, таълимнинг вазифаси талабаларга маълумот беришдагина эмас, балки уларда адолатпарварлик, ишонч, эътиқодлилик, мардлик, тиришқоқлик, фойдали ишга, ўрнатилган хулқ-автор қоидаларини бажаришга ўргатишда ҳам, деб билинган. Зоро, таълимнинг тарбияловчи функциясини билмаслик – оғир юкни енгил қўттарувчи ричагни қўлдан чиқаришга ўхшайди. “Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларфани ёшларни бунёдкор ишларга ғоявий тайёрлайди, уларнинг миллий дунёқарашини, соғлом эътиқодини, мустақил фикрларини шакллантиради. Фаннинг ҳар бир мавзуси миллий мафкуранинг у ёки бу таркибий қисмини ўргатади. Ўрганилган, ўзлаштирилган асосий тушунча ва тамойилларнинг эртага ҳаётда қўлланилиши (ишга тушиши) озод ва обод Ўзбекистонни ривожлантиришда ҳар бир ёш ўзбекистонликка рух, ишонч беради. Шунинг учун ҳам талаба-талабанинг “Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанлар дарслкларида ёзилган матнни қайта ҳикоя қилиб бера олиши бизнинг пировард мақсадимиз эмас. Миллий ғоя ва маънавиятга оид билимлар талаба онгига қайта ишланиши, талаба бу ғоялар ҳақида ўйлаши керак. Ана шундагина миллий ғоялар ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қиз дунёқарашининг марказига, ҳатти-харакатларининг рағбатига айланади. Буюк келажакка мустаҳкам ишончни пайдо қиласди. Чунки, эътиқод фаол ижодий ёндашувда синалиб, тобланади. Шунинг учун ҳам нафақат билим, балки ғоявий кўникма ва малакани шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Ана шунда миллий ғоя талаба-ёшлар орзусини Ўзбекистон халқи орзулари билан бирлаштиради, бунёдкор ишларга чорлайди.

Талаба-ёшларни миллий ғоя ва маънавият йўналишида мустақил тадқиқот методлари – қузатиш, эксперимент ўтказиш, адабий манбалар билан ишлаш, муаммоларни мустақил аниқлаб, кўтариб чиқиш, муаммоли вазиятларни ечишга ўргатиб бориш зарур. Зоро илм – инсон тафаккурига тартиб, тизимлилик бахш этади. Бу эса пировард натижада ёшларда илмий

дунёқарашнинг шаклланишига замин яратиб, уларнинг қалбига диний ақидапарастлик, “дунё фуқаролари”, “рангли инқилоб” “оммавий маданият” мафкуралари қарашларининг кириб боришига тўсиқ қўяди.

Бу фанларни ўқитишида унга ижодий ёндашиш зарур. Хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хос далиллар келтириш, ҳалқимиз тарихи, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга асосланиш, талабаталабанинг кўз ўнгида юз берган ва юз бераётган оддий воқеа-ҳодисаларни мисол сифатида қўллаш ижобий натижа беради.

Назорат саволлари:

1. Олий таълим босқичида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишида узлуксизликнинг таъминланиши ҳолати ҳақида маълумот беринг.
2. Олий таълимнинг қуи таълим босқичларидан фарқли хусусиятлари ҳақида тушунча беринг.
3. Барча ОТМларда миллий ғоя фанини ўқитилишининг режалаштирилишида қандай муаммоли жиҳатлар бор?
4. Сизнингча, ОТМларда миллий ғоя фанининг ўқитилиши ҳозирги кун талабларига жавоб берадими?
5. Бўлажак миллий ғоя ва маънавият соҳаси ўқитувчилари малакаларига қўйилган талаблар даражаси ҳақида фикрингизни билдиринг.
6. Илмий-педагогик кадрларнинг миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлардан компетентлик даражаси қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси. 2001 йил 20 январь.
2. Таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида // Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17–52.
3. Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм.– Тошкент: Шарқ, 2003.– 66-70- б.
4. Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури тўғрисида. –Тошкент: Маърифат, 2004 йил 21 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1- сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарори, 2010 йил 1 июль. – Тошкент, 2010.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat.Т., Ўзбекистон, 1993.

8. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993

9. “Ёшлилар йили” давлат дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Тошкент: Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.

10. Золотова Г. А. Некоторые вопросы синтаксической теории и обучение к русскому языку // Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. – Москва: Русский язык, 1995. –С. 35.

11. 5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти. – Т.: 2014.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. www.lex.uz
6. www.tdpu.uz.

4-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҶНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Режа:

1. Республикализни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар.
2. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг долзарб вазифалари.
3. Талаба ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириб бориш усуллари

Таянч тушунчалар: миллий ғоя, маънавият, таълим-тарбия, билим, кўникма ва малакалар.

“Бу дунёда фақат бир муаммо бор – одамларга ҳаётдан маънавий қониқиши ҳиссини қайтариш керак. Маънавий бойликсиз қалб тошга айланур... Комилликка йўналтирилган дидни тарбияламоқ лозим”

(Антуан де Сент Экзюпери)

1-масаланинг баёни: Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши ижтимоий-маънавий ҳаётда ниҳоятда жиддий янгиланишларни юзага келтирди. Жумладан, таълим тизими мутлақо янгича асосларда ривожлана бошлади. Таълим мазмуни ўзгарди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” бу янгиланишларнинг қонуний асослари вазифасини адо этди. Ижтимоийлик, синфиийлик, партиявийлик сингари уйдирма асослар ўрнига бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларига, яшаш шаклига мос ва муносиб бўлган методология юзага келди.

Мустақиллик қўлга киритилгач мустақилликнинг аҳамияти ва моҳиятини ғоявий – мафкуравий воситалар орқали халқнинг онига етказиш, уларни истиқлолни мустаҳкамлаш учун фидойилик билан меҳнат қилишга сафарбар қилиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Ана шундай шароитда Ўзбекистон мустақиллигининг ташаббускори И.А.Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан ҳоли бўлиш зарурлигини, шу асосда миллий ғоя ва мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйди. Бу масалада Президентимиз 1992 йил 2 июлда Олий Кенгаш X сессиясида қилган маърузасида алоҳида ўқтириб ўтди.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларнинг биринчи назарий асоси Президентимизнинг 1992 йили нашр этилган «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари ҳисобланади. Шунингдек Президент Конституциямизнинг бир йиллигига бағишлиланган тантанали йиғилишида (1993 йил 7 декабр) нутқ сўзлаб, миллий ғоя ва маънавият туркумига киравчи фанларни миллий эҳтиёж даражасига кўтариш зарурлигини таъкидлади. Барчанинг дикқат-эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига

қаратди ва «Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалга тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, ўз олдимиздаги қўйилган талабларга жавоб бериш мушқул бўлади. Миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий дастурни йўлга қўймоқ керак » деган фикрни илгари сурди.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва истиқолол ютуқларини мустаҳкамлаш ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий ва диний қараашлар мажмуи, ҳалқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи назарий ва амалий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларнинг асосий моҳияти қўйидагилардан иборат:

- ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос қараашлар асосида одамлар онгига келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдириш;

- миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларси орқали ҳалқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суюнган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида, илғор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш ҳиссини тарбиялаш;

- соғлом, маънавий бой, комил авлодни шакллантириш.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтиҳор, инсонпарварлик, байналминаллик ва шу каби бошқа хусусиятлар ташкил этади.

Демак, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўз моҳияти ва негизларига кўра мустақилликни мустаҳкамлашга, барча имкониятларимизни буюк мақсад сари йўналтиришга қаратилган.

Ўзбекистон жамиятининг миллий мафкураси ҳалқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бiri билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширадиган ғоялар тизимиdir.

Миллий мафкура кенг ҳалқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. «Миллий мафкура, ўз мазмун-моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётiga хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гурух ва қатламларнинг – бутун ҳалқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди».

Мафкура – миллий ўзликни англатувчи қучdir. Миллий мафкуранинг асосий таянч нуқтаси ҳам ана шунда. Миллий ўз-ўзини англаш деганда ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга айтилади.

Ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидағи бурч ва маъсулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва

бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳам миллий истиқлол мафкурамизнинг мазмунини ташкил этади.

«Янги мафкуранинг асл маъноси – деб ёзади Президентимиз, эскича ақидалардан ҳоли бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир. Бусиз жамиятни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқиб бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиgi асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишонч ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса онг ва шуур тазийқдан, қуллиқдан қутилмаса инсон тўла озод бўла олмайди».

Шу сабабли ушбу фанни узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш йўлга қўйилган.

Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни талабалар онгига сингдиришда фан мазмунига қўйиладиган талаблар

Кишилик жамиятининг ривожланиши энг аввало, келажак авлоднинг ким бўлиб етишиши, уларнинг билим савияси, маданияти ва саломатлигига боғлиқдир. Шунингдек, уларнинг онги ва шуурида истиқлолимиз, эришган ютуқларимиз, миллатимиз ҳақида кенг тушунчаларни ҳосил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳар бир талаба ўз ягона ватани Ўзбекистон экани, у билан фахрланиши, миллий гурурли бўлиб вояга етиши, Ватанин асрараш миллий бурч экани, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳалол меҳнат қилиши, яхши ўқиши, ҳунар ўрганиши орқали ҳар бир шахс ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши, халқимиз нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиши мумкинлигини тушуниб етмоғи зарур.

Бунинг учун узлуксиз таълим тизими босқичларида талаба-талабаларга миллий ғояни сингдиришда фан мазмунини қўйидаги тарзда ёритиб бориш мақсадга мувофиқ:

Хитой мақолларининг бирида шундай дейилади: “Инсоннинг қўлига бир дона балиқ бер – у бир кун тўқ бўлади, унга балиқ тутишни ўргат – у бутун умри давомида тўқ юради”⁹. Демак, бир иш қилиш учун шу ишни қандай қилиб яхшироқ ва натижалироқ тарзда амалга ошириш мумкин деган саволга жавоб излаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг ҳолатимизда бу саволга адабиёт ўқитиши методикаси фани жавоб беради.

2-масаланинг баёни: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан республика комиссияси ташкил этилади, бу комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қўйидаги вазифалар юкланди:

-ўрта умумий таълимга эга бўлган талабаларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу


⁹ Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. – // Литература в школе, 2006, № 6, с.25 (25-28).

тизимни худудларнинг демографик, жўғрофий хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

-академик лицей ва касб-хунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларни самарали ишлашини таъминлаш;

-олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш...”

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан



Ўзбекистондаги олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси мамлакатимиз амалиёти ва маҳаллий анъаналарини хисобга олган ҳолда илғор хориж тажрибасидан ижодий фойдаланишга асосланади. Ўзбекистон ҳукумати мустақил давлатлар ҳамдўстлиги маконида биринчи бўлиб мамлакатда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш дастурини амалга оширди.

Дастур ижросининг биринчи босқичи (1997 — 2001 йиллар)да кадрлар тайёрлаш тизимининг мавжуд ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида мазкур тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий базани ҳамда кадрларни тайёрлаш, илмий-услубий, иқтисодий шарт-шароитларни яратиш борасида улкан ишлар олиб борилди.

2001 — 2005 йиллар давомида ҳаётга изчил татбиқ этилган иккинчи босқич Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритишдан иборат бўлди.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)да Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш бўйича тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ ҳолда тизимни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Юртбошимиз 2010 йилда бўлиб ўтган БМТ саммити Мингийллик ривожланиш мақсадларига бағишлиган ялпи мажлисидаги нутқида инсоният тараққиётини таъминлайдиган муҳим масалалардан бири — таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ва унинг натижаларини алоҳида таъкидлади. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани (дунёнинг энг илғор мамлакатларида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди), Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилгани ҳамда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилгани мажлис иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Бугунги кунда мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпок, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиб, 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилди.

Хозирги кунда республикамиз халқ таълими тизимида 5215 та мактабгача таълим муассасаси, 9779 та умумтаълим мактаби, 303 та мусиқа ва санъат мактаби, 432 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 211 та «Баркамол авлод» маркази, 5 та педагогика институти ҳамда 16 та малака ошириш институти самарали фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда халқ таълими тизимида 410654 нафар ўқитувчи-педагог фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда педагогика йўналишида таълим берадиган олий ўқув юртлари тақсимотига кўра, 7065 нафар ёш мутахассис халқ таълими соҳасида иш бошлади.

Албатта, таълим сифатини яхшилаш бевосита ўқитувчиларга боғлиқ. «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танлови бугунги кунда соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг билим савиясини баҳолаш мезонларидан бирига айланди. Ўтган йиллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур баҳсада иштирок этиш истагида бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган педагог билан бир қаторда шиҷоатли ёшларимизнинг ҳам унда қатнашаётгани қувонарли ҳол. 2006 йилдан бери мазкур танловда

2000 га яқин педагог иштирок этган бўлиб, уларнинг 137 нафари ғолибликни кўлга киритди.

Мактабларимизда соғлом муҳитни яратиш, таълим сифатини оширишда муассаса директорининг ўрнини янада ошириш мақсадида «Йилнинг энг яхши мактаб директори» танлови жорий этилди. Унда илфор, ташаббускор ва ижодкор раҳбарларнинг тажрибаси чукур ўрганилиб, оммалаштирилмоқда, бошқаларга ўrnak сифатида кўrsatilmoқда.

Юртимиз шаҳару қишлоқларида қад ростлаётган янги ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган маданий, ижтимоий-иктисодий соҳа обьектлари, туаржой бинолари билан бир қаторда, ҳар бири ўзига хос такрорланмас қиёфага эга таълим-тарбия муассасалари чинакам маърифат, маънавият масканлари сифатида ўлкамизга кўрку тароват баҳш этиб турибди. Улардан жой олган энг сўнгти туркумдаги компьютер синфлари, зарур ўқув-методик адабиётлар, турли хил лаборатория ускуналари, спорт иншоотлари фарзандларимизнинг илм-фан ютуқларини ўзлаштириши, маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда. Президентимизнинг «Бизнинг ишларимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, бугунги ёшларимизга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин» дея комил ишонч билан айтган сўzlари замирида қисқа муддатда амалга оширилган шу улкан бунёдкорлик ишлари турибди. Халқимиз мусиқа ва санъат бобида бой меросга эга.

Эндилиқда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг талabalар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-хунарларни эгаллайди. Бу талabalарга иктисодиётнинг энг истиқболли ва кўлами кенгайиб бораётган соҳаларида касб-хунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради. Ўтган йиллар давомида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида 1500 дан зиёд янги ўқув даргоҳлари қуриб битказилди, шундан 143 та академик лицей, қолгани эса касб-хунар коллежи ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг зътироф этишича, мамлакатимизда ўрта-маҳсус таълим тизимининг моддий-техник базаси жаҳон андозалари даражасида шакллантирилган. Ҳар бир коллежда устахоналар, компьютер ва лингфон синфхоналари, фан лабораториялари, ҳаттоқи қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналари ҳам бор. Жаҳон тажрибасидан маълумки, 15-20 йил ичida ҳеч қайси давлатда таълим тизимида бундай катта ютуққа эришилмаган.

Бунда ҳар бир битиравчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига қўра, олий ўқув юртларида ўқиши давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизда 58 та олий таълим муассасаси мавжуд. 2 та академия, 20 та университет, 36 та институт ва 6 та хорижий ўқув юрти филиаллари фаолият кўrsatiб келмоқда. Тошкент шаҳрида 26 та олий таълим муассасаси, 6 та хорижий давлат ўқув юрти филиаллари бор. Айни пайтда республикамиздаги талabalар сони 256025 нафар. Уларнинг 37,5

фоизини қизлар ташкил этади. Бакалавриатнинг кундузги бўлимларида 242298 нафар, магистратурада эса 13417 нафар талаба таҳсил оляпти. Шу жумладан, махсус сиртқи бўлимларда 310 нафар талаба бор.

Ўқитишнинг барча босқичларида ўкув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлиги таъминланмоқда. Ўкув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашуви, шунингдек, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш кўзда тутилган бўлиб, халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўкув дастурлари, дарсликлар ва ўкув қўлланмалари, ўқитиш методикаси мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимни тубдан ислоҳ қилиш таълим тизимини модернизациялаш, демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-4456-соли Фармони, 2012 йил 5 сентябрдаги “Корея Республикаси Хукуматининг грантини жалб қилган ҳолда “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида электрон кутубхоналарни ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1815 сонли Қарори мамлакатимизда умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим муассасаларининг илмий-методик, инновацион-тадқиқотчилик ва маънавий-маърифий фаолиятига сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш мақсадида доимий амал қиласидиган ва янгилаб бориладиган ўкув-методик, таҳлилий-статистик ресурслар электрон базасини яратиш, замон талаби дея таъриф берган чет тилларни ўрганиш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш борасидаги ишларда дастуриламал бўлмоқда.

“Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижроилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодалангандек ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади...”

“...оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурни принципиал ёндошувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилади...

З-масаланинг баёни: Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитишида ўқитувчидан алоҳида маҳорат, билим, ижодкорлик талаб этилади.

Мавзулар далиллар аниқ мисол турли ривоят, ҳикоят, воқеалар баён этилиши мақсадга мувофиқдир. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўзлаштиришида замонавий педагогик технологияни, педагогик хамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уларга қуидагилар киради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга қизиқтириш;
- талабаларнинг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишини доимий равишда бўлишни таъминлаш;
- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда хар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириш;
- педагог ва талаба талабанинг ҳамиша хамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш.

Педагогик технологиянинг асосий негизи бу ўқитувчи ва талабалабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиши жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса ҳар иккалasi ижобий натижага эриша олса, жарёнида талаба талабалар: мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гурухга, гурух эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратади олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитиши жараёнининг асоси ҳисобланади.

Талабалар қуидаги таълим принципларини билишлари ва уни амалиётда қўллай олишлари шарт: мазмун, метод, оғзаки (вербал), ёзма тест шакллари, амалий (семинар), маъруза, лаборатория. Воситалари: компьютер, киноскоп, кодоскоп, киноаппарат, видеомагнитофон, дисплей, тарқатма материал, усул, чизмалар, ёзмалар, ёзма материаллар, пед технологиялар.

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни бу мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Жараён: ўқитувчи талаба-талаба. **Мақсад:** мазмун – метод – шакл – восита – натижа.

Мақсадни амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиши, ҳам ўқув ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун метод, шакл воситага яъни технологияга боғлиқ.

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитишининг асосий вазифаларидан бири талабаларда асосий тушунчаларни шакллантиришдир.

Тушунча – бу предмет тўпламларининг мухим, умумий белгилари тўғрисидаги фикрдир. Тушунча талабаларда предмет ва хақиқий олам қодисаларининг ҳиссий образлари бўлган тасаввурларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Масалан: маънавият, маърифат тушунчалари орқали идрок қилиш билан талабалар маъно, билим, рух тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Бу тушунчаларнинг ранг – баранг хоссаларини эътиборга олиб, бу тасаввурларни таққослаб талаба унинг умумий, мухим хоссаларини умумлаштиради.

Бу мисолдан кўринадики, тушунчаларнинг шаклланиш усулларидан бири қаралаётган предметлар тўпламига мос бўлмаган хар хил белгиларни чиқариб ташлаб, умумий, мухим, белгиларни сақлаб қолишдан иборатdir.

Бу тушунчалар орасида боғланиш тушунчалар таърифида унинг яқин тури ва кўриниши фарқларини қўрсатиш билан ифодалаш мумкин.

Масалан: маънавият, маърифат тушунчаларининг шаклланишидан ташқари фанлараро муносабатни аниқлаш ҳам мухимдир.

Масалан: аниқ тушунчалар қаралаётган обьектлар орасидаги муносабатларни ўрнатиш билан шаклланади. Маънавият, марифат, маданият, миллий истиқлол ғояси, миллий ғоя, мафкура, ахлоқ, тушунчаларига умумийлик сифатида қаралади.

1. Талабаларнинг ўқув фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Дарсда ўқитувчи талабаларни ўқитади, талабалар эса ўқийди деган фикрни бошқа сўзларда қуйидагича ифодалаш мумкин: талабалар ўқув, малака ва билимларни эгаллайдилар, ўқитувчилар эса билимни эгаллаш жараёнига раҳбарлик қиладилар.

Бу раҳбарлик ўқитувчининг талабалар ўқув фаолиятини ташкил қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун ўқитувчи керакли материал танлайди, уни маълум кетма-кетликда жойлаштиради, талабаларга билим манбаларини тавсия килади, талабаларнинг ўзлаштириш бўйича фаолиятини ташкил этади, билимни ўзлаштириш жараёни қандай ўтишини назорат қилади.

Талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёни қийин жараёндир. Буни мураккаб тушунчаларнинг вужудга келишини хаққоний англағандагина тўғри тушуниш мумкин.

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитиш билимлар ва унинг хақиқатлиги бизнинг атрофимизда турган нарсаларнинг мавжудлигига, уни кузатиш ва тажрибаларга боғлиқ эмас, кузатиш ва тажриба бизга тушунчаларнинг ҳосил бўлишига майл бағишлиайди. Лекин ҳақиқатни тасаввур қилишга асосан тушунчалар биздан ташқаридаги нарсаларнинг хоссаларини акс эттиради. Космос тушунчаси ёки фазовий олам тушунчаси биздан ташқаридаги нарсаларнинг хусусиятларидан келиб чиккан.

Тушунчаларнинг вужудга келишини бундай тушуниш ёш, мактаб талабаларининг ташқи олам обьектларига хос бўлган фазовий шакл, микдорий муносабатларни ўрганишларини тарбиялайди ва ташқи олам

хақидаги, космос хақидаги тушунчаларнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қиласди.

Шундай қилиб, талабалар мавжуд билимларни, ўзларининг катта шахсий тажрибаларида мустақил муносабатнинг таъсири бўлган холда эгаллайди.

Ўқитувчи талабаларнинг билимларини аниқлайди, уларни тўлдиради ва шу пойдеворга янги билимларни ўзлаштиришни ташкил этади. Янги билимларни бундай эгаллаш, янги факт ва тушунчаларни кузатиш асосида мустақил ишлаши, шунингдек, кишилар томонидан ишланган билимларни эгаллаш билан олиб бориш мумкин. Бунда янги билимларни эгаллаш янги ва олдинги билимлар орасидаги таърифланган тушунчалар ва янги фактлар орасидаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиш асосида боради. Тушунчалар талаба онгода ўзгаришсиз қолмасдан улар шаклан ўзгаради, ривожланади.

Масалан: ўқув ва ҳаётдаги амалий тажрибалар асосида предметларни таққослаш, солиштириш шунингдек, болалар асосий белгиларни ўзлаштириб олади. Шундай қилиб, талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигида билимларни эгаллаш жараёнини қуидагича ифодалаш мумкин:

-талабаларнинг шахсий ҳаётий тажрибаси ва олдин эгаллаган билимлари

-мактабда ташкил килинган тажриба: кузатиш, лаборатория ва бошқа амалий ишлар

-тўпланган тажриба, китобларда босилган билимлар. Билимларни ўқув – амалий ва ҳаётий – амалий ишларда қўллаш

-ўқитувчи ва талабалар фаолияти орасидаги мослих.

Талабаларнинг билим олишлари ва ўқитувчининг унга раҳбарлигини қуидагича кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчининг фаолияти:

1. Талабаларнинг билимини сўраш, сухбат, хисоблаш, амалий топшириқлар бериш асосида талабалар билимини аниқлаш.

2. Кўргазмали курол ва воситаларни намойиш қилиш ва кузатишни ташкил килиш.

Сухбат тушунтиришларни боғланган холда билимларни баён қилиш, китоб билан ишлашни ўюнтириш.

Талабаларнинг ўқув – амалий ва ҳаётий – амалий ишларини ташкил этиш.

Сўраш ва амалий ишларни бажариш бўйича топшириқ бериш йўли билан талабалар билимини текшириш.

Талабалар фаолияти:

1. Ўқитувчи саволларига жавоб бериш, ёрдамида топшириқлар бажариш.


2. Тавсия қилинган обектлар устида кузатиш, тахлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, дедуктив хуросалар чиқариш.

3. Ўқитувчининг баёнини тинглаш, китоб ўқиш, фактларни умумлаштириш ва эслаш.

4. Эгалланган билимларни амалий ишларни бажаришга қўллаш, олдин эгалланган билимларни ўзгарган шароитда қўллаш.

5. Ўқитувчининг саволларига жавоб бериш, амалий ишларни бажариш.

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитиш борасида бир қатор фанлар орасидаги алоқадорлик.



Ушбу дарсларида билимларнинг шундай пухта пойдеворини қўйиш керакки, бу пойдевор устига бундан кейинги таълимни узлуксиз давом эттириш мумкин бўлсин.

Назорат саволлари

1. Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни талабалар онгига сингдиришда фан мазмунига қандай талаблар қўйилган?
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мазмун ва моҳиятини изоҳлаб беринг...
3. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд?
4. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитиш методикасининг-чи?
5. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида нималарни айта оласиз?
6. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас қуч” асарида миллий ға ва маънавият нисбати ҳақида андай фикрлар илгари сурилган?

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.-Т.: 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.–176 б.
4. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
- 2.www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. www.tdpu.uz.

5-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҢНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Режа:

1. Миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларни ўқитишнинг бугунги ҳолати, ечимини кутаёган муаммолар.
2. Миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларга оид янги адабиётлар таҳлили.
3. Талабаларни миллий ғоя тарғиботига йўналтириб бориш омиллари, маңнавий-маърифий ишларда технологияларни қўллаш зарурати.

Таянч тушунчалар: анъанавий ва ноанъанавий дарслар, миллий ғоя тарғиботи, талабаларни миллий ғоя тарғиботига йўналтириб бориш, тарғибот, аксил тарғибот, ташвиқот, маңнавий-маърифий ишлар, технология.

1-масаланинг баёни: Таълим-тарбия жараёнида дарснинг ўрни ва аҳамияти мутлақо бошқача. Ҳар ҳолда қадимги дидактика мутахассислари бир соатлик дарсни яхши бир асар дейишигани бежиз эмас. Талаба учун у янги билим ва маълумотлар олишнинг энг асосий ва битмас-туганмас қайнар булоғидир. Дарс фақат билим олишнинг манбаигина эмас. Айни мана шу педагогик жараён давомида талаба билим олишга оид кўникма ва малакалар тизимиға эга бўлиб боради. Ўзининг дунёқарашини кенгайтиради. Шу жараёнда унинг ўзини ва ўзлигини кўрсатиш учун муҳим ижтимоий-педагогик шароит ҳозирланади. Демак, у шахс сифатида шакллана бошлайди. Ушбу ҳолатлар ўқитувчи зиммасига жуда катта бурч ва масъулиятни юклайди. У келажакда шу жамиятнинг барча талабларига мос ва муносиб бўлиб ўсиши керак бўлган ёш авлод тақдирида энг муҳим ролни адо этади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини қайта қуриш, такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни узлуксиз ва мунтазам тарзда давом этмоқда. Буларнинг орасида дарс ва уни ташкил этиш, унинг самарадорлик даражасини ошириш, дарсни талаба учун энг қизиқарли, фойдали ҳамда ўзлигини намоён этадиган энг муҳим воситалардан бирига айлантириш сингари масалалар мавжуд.

Бунга қандай эришилади? Унинг сиру асрорлари нималардан иборат?

Бунинг биринчи ва энг асосий шарти ўқитувчи шахси билан боғлиқ. Токи ўқитувчи ҳар доимгидек моҳир ташкилотчи, билимдон етакчи, меҳрибон устоз, билимларни ўз вақтида тегишли шаклда етказиб берувчи асосий манба, шакл ва усувлар тизимининг эгалланишига мос ва муносиб йўлни кўрсатиб берувчи йўлбошчи, талабанинг асосий таянчи ва маслаҳатгўйи бўлмас экан таълим-тарбия жараёнига оид муваффақият ва ютуқлар ҳақида гапириш ортиқча бўлади. Халқимизда бир мақолнинг икки хил шакли оммалашган. Улардан бирида “Устоз – отангдан улуғ”, бошқасида “Устоз – отангдек улуғ” дейилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос талқинга эга.

Кўпинча ўқитувчини артистга ўхшатишади. Бу тўғри гап. Аммо ўқитувчи артистга ўхшайди дегани унинг артист бўлиши керак дегани эмас.

Машхур кашфиётчи ўқитувчи Ильин шундай дейди: “Артистларга ўхшащдан чўчиманг. Биз ўзимизни намойиш этмаймиз. Биз ўзимизни бағишилаймиз. Дарс деган ижтимоийлик, оммавийлик, ошкоралик ва инсонийлик сабоқларидир”.

Бугун таълим муассасалари олдидағи асосий вазифа баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Баркамол авлод қирраларининг асосийлари эса глобаллашув жараёнидаги ижтимоий-маънавий мұхитда эркин ҳаракатлана олиш, рақобатбардошлиқ мұхитида ўзини йүқтотмаслик, аксинча, жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини топа билиш, маънавий жиҳатдан юксак мақомни эгаллаш, шу йўл билан ўзлигини кўрсатиш ва жамиятга тегишли тарзда наф келтиришдан иборатdir.

Бола шахсининг шаклланишида дарс асосий ўрин тутар экан, демак, мана шу дарс жараёнини интенсивлаштириш ҳам асосий ўрин тутади. Бу нима дегани? Бунинг оддий ва соддагина талқини шундан иборатки, дарс талабаларни фикрлайдиган, чуқур мушоҳада қиласынган, ўқув жараёнига нисбатан қизиқишиларини оширадиган, улардаги мустақил ва ижодий ишлаш руҳини шакллантирадиган жараёнга айланиши лозим.

Бунинг учун эса дарснинг барча таркибий қисмлари орасидаги алоқадорлик кучайтирилиши, хусусан, унинг шакл ва методларидан бошлаб ташкилий шакллари, унинг талаба шахсини фаоллаштиришга йўналтирадиган жиҳатларигача эътиборда тутилиши керак. Билимларни тайёр ҳолда бериш тамоили ўрнига талабанинг ўзи мана шу билимларни эгаллашга интиладиган шароитни яратиш, самара берадиган янгиликлар тизимини муносиб тарзда шакллантириш бу йўлдаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Дарс: унинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари

Хозирги таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий шакл дарсdir. У анъана тарзида бугун ҳам ўз нуфузини пасайтиргани йўқ. Фақат унинг мазмунида жиддий янгиланишлар бўлаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Маълумки, дарсга қўйиладиган умумдидактик ҳамда ҳар бир фаннинг ўз хусусиятларидан келиб чиқадиган талаблари мавжуд. Уларни умумпедагогик, методик, психологик, адабий ва лисоний талаблар тарзида гурухлаштириш мумкин. Миллий ғоя ва маънавият дарсларининг шакл, кўринишлари ҳам ниҳоятда хилма-хиллашиб бораётгани объектив жараён сифатида эътироф этилади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ уларга тайёргарлик кўришнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари борлигини назарда тутади.

Замонавий янги шакл ва усууллар, дарс типлари осмондан тушгани йўқ. Уларнинг асосий қисми анъанавий дарс шаклларининг замонавийлаштирилиши, уларга янгилик элементларининг кўпроқ киритилиши, энг мұхими эса уларнинг мақсадга мувофиқ тарздаги янгиланишлари билан алоқадор. Илгари ҳам дарсларга, уларнинг таркибий қисмларига айрим ўзгариш ва қўшимчаларни киритишга, уларнинг мазмунини бойитишга бўлган уринишлар бўлган эди. Буни инкор этиш ўринли бўлмайди. Шунга қарамай, бу уринишларнинг мунтазам бўлмаганини, кўпроқ тасодифийликка ассланганлигини, муайян тизим

шаклига киритилмаганини, мақсад ва вазифалар билан янгилик мазмунининг уйғунашмаганини ҳам эътироф этишга түгри келади.

Анъанавий дарсларнинг ҳам, ноанъанавий дарсларнинг ҳам асл ўзагини, туб моҳиятини унинг мақсади ташкил этади. Мақсаднинг дарс типига, шаклига, таркибий қисмлари орасидаги боғланишларнинг зичлиги ва мустаҳкамлигига мос ва муносиблиги унинг самарадорлигига кафолат беради, аксинча ҳолатларда эса бундай самарадорликка кўз тутиш эртакдан бошқа нарса бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда дарс самарадорлигининг асосий омили талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш билим моҳияти ва уни эгаллашга қаратилган шакл ва усуллар бирлигидан иборат бўлиши керак. Шундагина қўйилган мақсаднинг аниқ натижаси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Тасаввуримизнинг ойдинлашиши учун айрим мисолларни келтириш жоиз кўринади:

2-масаланинг баёни: Маълумки, ўрта умумтаълим мактаб талабалари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарслеклари мазмuni ва вазифаси жиҳатидан мафкуравий адабиётлар ҳисобланади. Илмий нуқтаи назардан мафкуравий адабиётлар икки турга яъни:

- Мутахасислар (бевосита мафкуравий иш билан шуғулланувчилар)га мўлжалланган адабиётларга;
- Номутахасис яъни, кенг омма (жумладан, талабалар)га мўлжалланган адабиётларга бўлинади.

Мазкур турдаги адабиётлар бир биридан ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатдан фарқланади. Биринчи турдаги адабиётлар мутахасислар (бевосита мафкуравий иш билан шуғулланувчилар)га мўлжалланганлиги учун уларда ғоя, ғоянинг турлари, бугунги дунёning мафкуравий манзараси ва бу манзаранинг яқин келажакдаги ўзгаришилари тўгрисидаги илмий прогнозлар, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда муайян ғояни кишилар онгига сингдириши методлари аниқ, равshan баён этилади. Иккинчи турдаги адабиётлар эса номутахасис яъни, кенг омма (жумладан, талабалар)га мўлжалланганлиги учун ҳам уларда ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда муайян ғояни кишилар онгига сингдириши методлари аниқ, равshan баён этилмайди (!). Аксинча бундай маълумотлар яширин тарзда, ўта методик усталик билан ўкув адабиётга жойланадики, натижада бу маълумотларни қабул қилиш кенг омма яъни, номутахасис (жумладан, талаба)лар учун қийинчилик тұғдирмайди.

Ўз ўзидан иккинчи турдаги адабиётларни яратилишига қандай ёндашиб керак деган табиий савол туғилади? Айтиш лозимки, биринчи турдаги адабиётларга қараганда иккинчи турдаги адабиётларни яратиш анча мураккаб жараёндир. Унда аввало, аудитория жойлашган макон(худуд), аудиториянинг менталитети, ёши, қизиқишилари ва бошқа шу каби жиҳатлари инобатта олиниши ва шундан кейин, дарслик мавзулари танланиши ҳамда ишланиши лозим. Мавзулар баёнига келганда қуруқ маълумот берувчи қисмларни чиқарып ташлаш ва мавзу баёнини “ғоя демасдан ғояни –

сингдириш” тамойилига асосланган ҳолда яратиш лозим. Бу дегани, юқорида айтганимиздек, талабалар (яъни, мутахасис бўлмаганлар) га мўлжалланган ўқув дарсликларида *гоя, гоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда гояни кишилар онгига сингдириши йўллари ва усуллари* ҳақида тўхтамасдан, аксинча бу дарсликларни талабалар ёши ва қизиқишлирага мос мавзулар киритилиши (шу мавзулар ичига албатта бунёдкор ғоялар сингдирилган бўлиши) мақсадга мувофиқдир.

Ўрта умумтаълим мактабнинг 7, 8, 9-синф талабалари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарсликлари¹⁰ (ўйлашимизча ўқитувчи, мутахасислар учун эмас) талабалар учун мўлжалланган бўлиб, у иккинчи турдаги адабиётлар сирасига киради. Лекин, дарсликлар мазмунида кўпроқ яширин тарзда берилиши, сингдирилиши лозим бўлган жиҳатлар ошкора, қуруқ маълумот баёни сифатида бериб ўтилган. Масалан: 8-синф дарслигини оладиган бўлсак унда Миллий мафкурамизнинг бош ва асосий ғоялари сонма сон саналиб, ҳар бири алоҳида мавзу сифатида танланган ва бу мавзуларга тегишли маълумотлар очик, ошкора тарзда баён этилган. Бу ҳол ҳар учала дарсликда ҳам мавжуддир. Бизнингча бу дарсликларнинг методик камчилиги бўлиб, бу “**ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойилига** зид келади.

Дарсликлардаги ўнгланиши мумкин бўлган камчиликларни бизнингча куйидаги йўллар билан бартараф этиш лозим:

- “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарсликларини мафкуравий адабиётлар сифатида қараб уларни икки турга яъни, мутахасислар (яъни, шу фан ўқитувчилари)га мўлжалланган адабиётларга ва номутахасис (яъни, талабалар)га мўлжалланган адабиётларга бўлиш лозим;

- Мутахасис ўқитувчилар учун алоҳида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича методик қўлланма (*синф дарсликларига мос ва синфлар кесимида*) яратилиши ва унда мавзулар очик, ошкора баён этилиши, мавзуга мос методлар келтирилиши ҳамда иложи борича ҳар бир мавзу бўйича видео, мултимедия маҳсулотлари дискка жойлаб, шу қўлланма ичда ўқитувчига етказилиши керак;

- Талабаларга мўлжалланган ўқув дарсликларида иложи борича *гоя, гоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда гояни кишилар онгига сингдириши йўллари* ҳақида тўхтамасдан, Миллий ғояни сингдиришга йўналтирилган “муаммоли вазиятлар таҳлили”, “мунозарага йўналтирилган воқеалар матни”, “мустақил ўқишига мўлжсалланган матнлар” каби маълумотларни киритиш лозим.

¹⁰**Қаранг:** М.Қаршибоев, С.Нишинова, О.Мусурмонова, Р.Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 7-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

Р.Қўчқоров, С.Нишинова, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 8-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

О. Мусурмонова, Муртазо Қаршибоев, Раҳмон Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 9-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

- Талабаларга мўлжалланган ўқув дарсликлари мавзуга дахлдор фото суратлар (факат ижобий, чиройли суратлар билан эмас балки, инсон тубанлашувининг оқибатларини кўрсатиб берувчи расмлар) билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсликларини тайёрланишига юқорида айтиб ўтилган жиҳатларга эътибор қаратилиши мазкур дарсликларни янада мукаммаллашувига, янги авлод дарсликларини вужудга келишига олиб келади. Ўқитувчиларга ҳам талабаларга ҳам мўлжалланган қўлланма ва дарсликларни яратилиши “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсини илмий ва методик жиҳатдан сифатини ошишини таъминлайди. Бу эса, талабаларни ғоя ёки мафкура тўғрисидаги маълумотларни қуруқ эшитишдан кўра, ғоя тушунчасини, унинг кучини, бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни ҳамда бу жараёнларда қандай йўл тутиш лозимлигини жонли мушохада билан англаш имконини беради.

З-масаланинг баёни: Ҳозирги даврда глабаллашув жараёнида билимлар мажмуаси ва ахборатлар, турли хил адабиётлар шу қадар кўпайиб кетдик, уларни маълум ажратилган соатда ўзлаштириб олиш қийин. Шу сабабли енг зарур билимларни эгаллаш учун ўқитишнинг турли хил технологиялари ва методлари юзага келмоқда уларни саралаб турмушда қўллаш асосий вазифадир.

“Ўқитиш технологияси” тушунчasi илк бор 1970 йилда ЮНЕСКО конференциясида янгради. Шу ташкилот томонидан нашр қилинган “Яшаш учун ўқиши” номли маъruzada юқоридаги атама таълимий жараённи модернизациялашда ҳаракатлантирувчи куч сифатида аниқланди. “Қандай ўқиши керак?” номли маъruzada эса биринчи марта унга таъриф берилди. Унда ўқитиш технологияси информацион инқилоб натижасида пайдо бўлган ва дидактикада фойдаланадиган инсон ўртасида алоқа (мулоқот) усул ва воситалари йиғиндиси сифатида тавсифланади.

Ўзбекистонда педагоглар Н.Сайдахмедов, У.Толипов, У.Нишоналиев, А.Очилов, Н.Азизхўжаевалар ўқитиш технологияси муаммолари билан шуғулланиб, бу соҳага муносиб ҳисса кўшиб келмоқдалар. В.П.Беспалько, М.В .Кларин, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, Т.Шопаваленъко, А.Монахов, Д.Блок, Б.Блум, Т.Гильберт, Р.Майдтир каби чет эллик тадқиқотчилар хизматини ҳам эътироф этиш зарур. Албатта, олим ва мутахассисларнинг қарашлари бир-бирига мос келмаслиги табиийдир. Баъзилари ўқитиш технологиясини педагогика фани сифатида қарайди.

Замонавий педагогикада ўқитиш технологиясининг асосий тавсифи сифатида унинг тизимлилиги, илмийлиги, қайта тикланувчанлиги, кўшилувчанлиги, самарадорлиги, сифат ва мотивлашганлиги, алгоритмлашганлиги, ахборотлилиги, нусха олиш имконияти, янги шароитга кўчириш мумкинлиги каби жиҳатларига эътибор қаратилади.

Ўқитиш технологияси илмий асосланган дидактик жараён лойиҳасини амалга оширувчи ва юқори даражадаги самарадорлик, ишончлилик ва кафолатга эга натижаларга молик педагогик фаолиятдир.

Ўқитувчининг бу борадаги фаолияти мезонлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- мақсаднинг аниқлиги ва уни ташхис этиш мумкинлиги;
- ўрганилаётган мавзуга оид назарий ва амалий масалалар ва уни ечиш усулининг тизимли тарзда тақдим этилиши;
- мавзуларнинг кетма-кетлиги, мантиқийлиги, босқичма-босқич баён этилиши;
- ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракат усуларининг кўрсатилиши;
- ўқитувчининг энг самарали ўқитиш воситаларидан фойдаланинши;
- ўқитувчи ва атлабалар фаолиятининг мотиватсион таъминланиши бу жараёнда уларнинг шахсий касбий фиксияларининг ноиоён бўлиши (эркин танлаш, криативлик, баҳслашув ва х.з.)

Шундай қилиб ўқитиш технологияси деганда дидактик масалалар ечимиға йўналтирилган ёки олдиндан лойиҳаланган педагогик жараённи амалиётга режали ва изчил тадбиқ этидиган педагогнинг кетма-кетли ўзаро боғлиқ ҳаракатлари тизими тушунилади. Таъкидлаш жоизки, ўқитиш технологияси нафақат дидактик жараёнинг ўзи сифатида балки унинг педагог фаолиятининг лойиҳалаш натижаси сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Педагогик нашрларда ўқитиш методларини фаол ва пассив гурухларга ажратиш мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган муайян мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса шубҳасиз фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади шу боисдан бу қисимда педагогик амалиёт учун нотаниш бўлган чет эл дидактикасига оид методлар ҳақида фикр юритилади.

Американинг “Street law” (кўча қонуни) дастури бугунги кунда кўплаб давлатлар томонидан асрга олинган ва таълим жараёнига ўрнашиб қоляпти. Бунга сабаб дастурдан ўрин олган юзлаб ўқитиш методларининг фаолиги жозибалийлиги ва таъсирчанлигидир. Улар ёрдамида талабалар ўз фикрларини эркин ифодалаш ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш ўз мавқеини мустаҳкамлаш, фикрларни ҳимоя қилиш, ҳақ-хуқуқларини англаб етиш каби имкониятларга тезда эга бўлади. Ўқитувчи эса дидактик жараёнда бу методлардан оқилона фойдаланмоғи мавзу бўйича ўқув элементларини мураккаблиги ва вакт муддатига қараб ўзлаштироғи лозим. Қуйида “Street law” дастуридаги баъзи методлар билан танишашиз.

Кластер (ахборотни ёйиш) усули

Бу усулининг асосий вазифаси ўрганилаётган обьект – талабалар фаолиятини, Педагогик воқеликни қисмларга ажратган ҳолда ўзлаштиришга йўналтиради. Унда кўп вариантлийлик асосида тушунча ва ҳодисаларнинг ўзаро ички ҳамда ташқи боғланишларини аниқлаш кўникмаларини шаклантиради, мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларни эркинлаштиришга ёрдам беради.

Мавзу бўйича кластерларин тузиш, ўқув мақсадига қараб, босқичмабосқич ҳаракатланишни тақозо этади, охир оқибатда якуний натижа янги билимларни ўзлостириш, фикрлар ҳилма хиллигини яхлитлаш асосида қўлга киритилади.

Кластер усулидан фойдаланиш учун уқувчиларни кичик гурухларга (3-5) ажратиш талаб этилади. Ҳар бир гуруҳда мавзуга оид ўқув элементлари танланади бунинг учун аудиторияда дарслик, ўқув қулланнмалари, маъруза матнлари ва бошқа ахборот манбалари бўлиши лозим. Ўқитувчи алоҳида ўқув элементларини ўзлостириш учун 15-20 дақиқа вақт ажратади.

Кластер тузиш босқичлари:

1. Аудитория ёзув тахтасига кичик гуруҳлар сонига қараб ватман (чизмачилик қоғози) осилади (калит) сўзлар ўқитувчи (айрим ҳолларда талабалар) томонидан ёзилади.

2. Мавзу бўйича ўқув элементларига тегишли фикрлар (қонун, факт, тезис, ҳодиса, жараён, натижа) аниқ феъл билан ифодаланган ҳолда қоғозга ёзилади.

3. Асосий тушунча ва ғоялар ўртасидаги алоқадорлик чизмада кўрсатилади.

4. Кичик гуруҳлардаги барча ўқувчилар ўз варианtlарини қоғозга ёзишади.

5. Фикрлар шажараси умумлаштирилади ва якуний хulosалар қайд этилади.

6. Ўқитувчи талабалар фаолиятини назорат қиласида ва объектив баҳолайди

Мисол учун Б.Блумнинг “Ўқув мақсади таксономияси” мавзуси бўйича кластер тузиш кетма-кетлигини келтирамиз:

1. Блум таксономияси аниқланган ўқув фаолияти соҳалари (ЎЭ № 1)

- когнетивли; (билиш соҳаси)
- аффектив (ҳаяжонли, қадриятли) соҳа;
- Психомоторли соҳаси;

2. Блум таксономиясини тузишда таянилладиган тамойиллар (ЎЭ № 2)

- амалий, психологияк, мантикий, объективлик.

3. Когнетив соҳа бўйича ўқув мақсадлари токсономияси (ЎЭ № 3)

- билиш, англаш, қўллаш, тахлиллаш, синтезлаш, баҳолаш.

Бу мисолда 3 та калит сўз келтирилади улар ўз навбатида тегишли ўқув элементларини қамраб олиши ўқувчилар томоиндан аниқланади. Ҳар бир ўқув элементига оид тушунчарлар мазмунан кетма-кетлик сақланган ҳолда ватман қоғозга ёзилади ва фикрлар ёйилмаси чизмаси яратилади.

Синквейн (ахборотни йиғиши) усули

Методни қўллаш жараёнида ўқувчилардаги тарқоқ ахборотли жараёнлар аста секин босқич-босқич йўналтирилган жараёнга айлантириб борилади. Яъни ўрганилган билимларни мавзуни ўрганиш давомида ўрганилдаи. Муайян воқелик тўғрисида яқдил фикрга келинади. Бунинг учун ўқувчиларда беш имконият мавжуд бўлади яъни сиквейн бешқатордан

иборат ўзига ҳос “оқшеър” (қофиясиз) бўлиб, ўрганилаётган мавзуга оид тушунчалар (ҳодисса, жараён, воқеа) қатъян кетма-кетликда ёзиб чиқилади. Синквейн орқали ўқувчилар ўз фикрларини тўплаш ихчам ифодалаш мулоҳазаларни синтезлаш ва мавзу бўйича тўғри хуносаларни такомиллаштиришга ўрганишади.

Синквейн тузиш тартиби:

1. Биринчи қаторда мавзуга оид бош ғоя (таянч тушунча) бир сўз (от) билан қайд этилади.
2. Иккинчи қаторда бош ғоя икки сифат билан ифодаланади.
3. Учинчи қаторда мавзуга оид тушунчалар уч сўз билан баён қилинади.
4. Тўртинчи қаторда мавзуга оид фикр (назария, факт)лар тшртта сўздан иборат бўлиши лозим.
5. Сунгги қаторга мавзу моҳиятини ойдинлаштирадиган (ёки маъно жихатидан яқин бўладиган) битта сўз ёзилади бу кетма-кетликни қўйидаги чизиқлар бўйича лойиҳалаш мумкин.

1. _____ топшириқ
2. _____
3. _____
4. _____
6. _____ натижа

Одатда синквейн мавзу бўйича бирор муаммоли вазиятли ечиш ёки алоҳида ўқув элементларини мукаммалаштиришда талаба тафаккурини чархлаш учун тузилади агар биринчи қатордаги мавзу сўз туркуми – от орқали ифодаланса, иккинчи қаторда топшириқнинг муҳим ҳоссаларни белгиловчи бир жуфт сифатни ўқувчи ўйлаши кўп вариантили жавоблардан энг мақулини олиши лозим.

Ақлий ҳужум усули

Дарс жараёнда “Ақлий ҳужумдан” мақсадли фойдаланиш ижодий андозасиз тафаккурлашни ривожлантириш манбаи ҳисобланади. Ақлий ҳужумни уюштириш содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида, ишлаб чиқариш муаммоларини ечимини топишда ҳам фойдаланиш мумкин. Дастрраб гурух йиғилиб, улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида иштирокчилар ўз фикрларини билдиришади бу босқичда ҳеч кимнинг ўзгалар ғоясига ҳужум қилиши ёки баҳолашга ҳаққи йўқ. Демак, ақлий ҳужумда қисқа вақтда ўнлаб ғояларнинг юзага чиқиши имкониятлари мавжуд бўлади. Аслида ғоялар сони мақсад эмас, улар муаммо ечисми учунгина асос бўлади. Бу методлар шартларидан бири қатнашувчиларнинг ҳар бири ташқи таъсирсиз фаол иштирокчи бўлиши керак.

Шундай қилиб, ақлий ҳужум қоидаларини қўйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатга эмас, сонга қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;

- исталган ғояни мумкин қадармукамаллаштириш ва ривожлантириш мумкин;

- муаммо ечимидан ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғояларнинг асосий мавзулари (фаразлари) ёзиб олинади;
- “хужум” вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилади.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятдан қутулиш чораларини топишга, муаммони чегарасини кенгацтиришга, фикрлар хилма-хиллигига эришишга ва тафаккур доирасини кенгайтиришга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида ижодий ҳамкорлик кучайиб, гурӯҳ (аудитория) янада жипслашади.

Объекти. Кўлланиш мақсадига кўра, бу метод универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), фикрни мустаҳкамлашда (ўз-ўзини бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Кўлланиш усули. «Ақлий хужум» иштирокчилари муаммо бўйича мулоҳаза-таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб олинади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. «Ақлий хужум» тутагач, энг яхши таклифлар бирлаштириб, муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

«Ажурли appa» усули

«Ажурли appa» методи тезилиш жиҳатидан қўйидагиларни ўз ичига олади:

- 1. Топширикни бўлиш:** топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга бўлинади.
- 2. Бирламчи гурӯҳлар:** гурӯҳ аъзолари мавзуни олгач, эксперт ҳисобланади.
- 3. Эксперт гурӯҳлари:** мавзуга оид ўқув топшириклари бўлган талабалар уни муҳокама қилиш, бажариш учун эксперт гурӯхига бирлашади.
- 4. Бирламчи гурӯҳлар:** талабалар ўз бирламчи гурӯҳларига қайтадилар ва эксперт гурӯхларда ўрганганларини ўқитишади.

«Мунозара» усули

Бу метод ёрдамида ўқувчи-талабаларга маълум мавзу бўйича ахборот етказилади, мунозара учун танланган мавзуни талабалар «штурм» қиласилади, натижада, унга оид маълумотни атрофлича ўрганилади.

Мунозарани ўтказиш методикаси

1. Мунозара олиб борувчи – бошловчи (ўқитувчи) мавзуни танлаб, иштирокчиларни таклиф этади.
2. Бошловчи иштирокчиларга «Ақлий хужум» топшириғи қоидаларини тушунтиради:

- «хужум»дан мақсад – муаммо ечимиға оид варианларни күпроқ тақлиғ этиш;
- ўз билимингизни умумлаштириб, эътиборни муаммо ечимиға қаратиб, фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бир рад этилмайди;
- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳамқўллаб-қувватланг;
- тақлиғ этилганларни баҳолаш билан кейинроқ шуғулланасиз.

3. Бошловчи котиб тайинлайди ва у айтилган барча ғояларни ёзиб боради. Мухокама вақтида сўзга чиқувчилар аниқланиб, мунозарада барча иштирокчилар қатнашади, ўз фикрларини ифодалаш имкони берилади. Агар бирор киши томонидан уни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи уни холисона ҳал қиласи. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларининг танқидий тафаккури «чархланиши» учун қисқача танаффус эълон қиласи. Кейин иккинчи босқич бошланади. Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, биринчи босқичда билдирилган ғоялар мустаҳкамланади. Ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, улар таҳлил қилинади, натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимиға оид бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозараага якун ясайди.

«Ўз ўрнингни топ» усули

Агар аудиторияда муайян мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, мазкур метод ёрдамида муаммо ечими аниқланади. Ундан асосан дарснинг кириш қисмида фойдаланишади, ўтилаётган мавзу турли ёндашувлар мавжудлиги айтилади. Бир томондан. Иккинчидан, ўқувчи-талабалар фикрини баён қилиши, ўзгартиришга имкон туғилади. Ниҳоят, дарс сўнггида ўқитувчи мавзуни ўзлаштириш даражасини баҳолайди.

1. Аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилади. Уларнинг бирига “розиман”, бошқасига “рози эмасман”, деган сўзлар ёзилади. Плакатларда баъзан мавзуга оид саволлар бўйича қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиши мумкин. Масалан: “анжир гуллайди ва мева тугади” ёки “анжир гулламасдан мева тугади”.

2. Дарсни ташкил этиш қоидалари мухокама қилинади.

3. Ўқувчи-талабаларга ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш тақлиғ этилади.

4. Ўқувчи-талабалардан ўз қарашларини асослаш сўралади. Бу пайтда бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш рухсат этилади ва шу тариқа ўқувчи-талабаларининг ҳаммаси жалб этилади.

5. Муаммо бўйича фикрлар билдирилгач, ўқувчи-талабалар ичидаги мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартиришлари ёки бошқа гуруҳга ўтишлари мумкин. Бундай ҳолларда бунинг сабабини асослашлари керак.

6. Иштирокчилардан оппонентлари ичидаги муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтган талабаларни аниқланади.

“Кичик гурухларда ишлаш”

Кичик гурухларда ишлаш ўқувчи-талабанинг фаоллигини оширади, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш хуқуқини беради, бир-биридан ўрганиш имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

Қўллаш усули

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада ўқувчи-талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурий асос яратиш. Ўқувчи-талабалар кичик гурухда қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича етарли билим, кўниумага эга бўлишлари керак.

3. Гурухни шакллантириш. Одатда, ҳар бир гурухда 3-5 талаба бўлади (баъзан, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гурухда ишлаш маълум ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, 2-3 кишилик гурух тузилгани маъқул. Гурух таркиби масаланинг муҳимлиги, аудиториядаги ўқувчи талабалар сони, уларнинг бир-бири билан ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхиси, “тетроген” гурух ташкил этишdir. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). гурухда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга асосланади. (Мисол учун, бир ўқувчи-талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гурухларга ажратиш, таклиф ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Талабаларга фаолиятни бажариш учун ихчам тарзда аниқ тушунтириш берилади. Ўқитувчи гурухларнинг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гурухлар керакли материал ва ахборот билан таъминланади. Талабалар иш бошлашлари учун вазифаларини тушуниб етганлиги текширилади.

5. Қўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқувчи гурухлар тўғри ишлаётганлигини қайд этади, уларга зарурат туғилса ёрдам беради, гурухларга тазийқ ўтказилмайди.

6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гурухларда иш якунлангач, унинг натижалари бўйича ахборот берилади. Бунинг учун ҳар бир гурух ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича фикрларни ўқитувчи ёзиб боради. Муҳими, гурух ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишdir. Агар вақт етарли бўлса, муайян фикрни асослашда гурухлар бир-бирига савол беришлари мумкин, унинг натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

“Меню” усули

Якка тартибда ёк кичик гурухлар билан ишлашни хохлаган ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гурух (талаб)га аниқ топшириқ берилади. Мисол учун, “Миллий мафкуранинг асосий гоялари” ўқитувчи ҳар бир гурух учун алоҳида топшириқ тайёрлайди:

1. Ватан равнақи
2. Юрт тинчлиги
3. Халқ фаровонлиги
4. Комил инсон
5. Ижтимоий ҳамкорлик
6. Миллатлараро тотувлик
7. Динлараро бағрикенглик

Ҳар бир гурух топшириқ олади ва 3 минут давомида мұхокама қилишади, сүнгра гурух вакили үқитувчи столига келиб, тайёр “Меню”ни олиб қайтади. Бу узун қирқілган қоғоз – “тиллар” бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ асослари баён қилинган. Гурух вакили “тиллар”дан бирини танлаб олади ва ўз гурухига қайтади. Бошқа үқувчи-талаба ҳам шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 минут давомида топшириқ мұхокама қилинади ва расмийлаштирилади. Бу метода жавоблар оғзаки бўлиши мукин. Бошқа гурух вакиллари саволлар беришади, үқитувчи эса гурух ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб боради.

“Дебатлар” усули

“Дебатлар” асосида дарсни ташкил этишдан асосий мақсад муаммо ечимини топишда талаба ўз ёндашувининг тўғрилигига ўзгаларни ишонтиришдир. Ўз фикрларини аниқ ва лўнда баён этиш, бунинг учун тўғри далил ва хулоса топиш кўникмасини шакллантиришда “дебатлар” самарали метод ҳисобланади.

Методик тавсиялар:

“Дебатлар” мавзууни резолюция шаклида ифодалаши керак. Маълумки, резолюция ҳар доим мавжуд ҳолатни ўзгартиришни талаб этади. Мисол учун, “Қабул қилинган: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўлим жазосини бекор қилди”.

Машғулотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, мұхандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади. Дебатда талabalар икки гурухга ажратилади: резолюцияни қўллаб-қувватловчилар ва уларга қарши чиқарувчилар. Гурух сардори регламентта риоя қилиш кузатувчи-ёрдамчи тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” 3-5 ҳолатга асосланган; мантиқий ифодаланган ва дилилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун талabalарга етарлича вақт берилади. Уларга муаммонинг можиятини англаш ва ўз фикрларини мустаҳкамлаш учун мантиқий аргументлар тайёрлашда үқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан бирга, талabalар қарши томон билдиражак фикрларни тахмин қилишлари ва олдиндан уни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим.

Талabalарни шундай далил-исбот топиш кўникмасига ўргатиш керакки, билдирилган фикрни қарши томоннинг мұхокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина талabalар тенгдошларининг қарашларини ҳурмат қилишга ёки ўз билими аудиториядошининг билими олдида кам эканлигини

тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўникмалари шаклланади.

“Танқидий фикрлаш” усули

Вазифаси. Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз муаммосини оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу боисдан ўкувчи-талабаларни баҳс-тортишув орқали масаланинг ечимини топишга кўпроқ жалб этиш лозим.

Саволларни ечишда ўкувчи-талабаларда тинглаш, мулоқот олиб бориш, турли фикрларни таққослаш, ўзгалар фикрига бефарқ қарамаслик каби одатлар шаклана боради, масалани ечиш ва хукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилияти ривожланади, мунозара юритиш, ечимларни тўғри топиш малакалари ўзлаштирилади.

Ўтказиш усули. Мунозарали саволларни таҳлил қилиш ва холисона фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун методлар мавжуд. Мавжуд воқеликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш қўйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ўкувчи-талабанинг ўз фикрини эркин ифодалаши.

Ўкувчи-талабага айтилган муаммо бўйича ўз ўрнини аниқлаб олиши учун имкон берилади. Масалан, Тошкентда 16 февраль воқеалари нима учун содир бўлганлиги тўғрисида ўкувчи-талабадан жавоб олиш учун қатор саволлар билан мурожаат қилиш мумкин: Сенинг фикрнинг қандай? Бу ҳақда сен қандай фикрдасан? ва бошқа.

2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.

Ўкувчи-талабанинг фикрини янада аниқлаштириш мақсадида унга қўшимча тарзда қўйидаги саволлар берилади: Бу билан нима демоқчисан? Ўз фикрингни тушунтира оласанми? Бу нима дегани?

3. Ўкувчи-талабалар фикрларини асосланганлигини текшириш.

Бунда қўйидаги саволлар берилиши мумкин: Нима учун сен айнан шундай деб ўйлайсан? Сенинг мавқеингни тасдиқловчи қандай асослар бор? Нима учун сенда шундай фикр туғилди? Ўз фикрингни қандай исботлайсан?

4. Ўзгалар фикрини ўрганиш.

Инсон ўз фикрининг ожизлигини ҳар доим ҳам тан олавермайди. Шунингдек, сухбатдошининг фикрига хурмат-эҳтиром билан ҳам қарайвермайди. Бу ҳолатни кўпроқ ўсмирларда кузатиш мумкин. Баъзан муаммолар ечимини топишда ўзгалар фикрини тинглаш кўнижаси жуда асқотади. Бу кўнижани талабаларда шакллантириш учун қўйидаги саволлар билан мурожаат қилинг: Ўз фикрингизга муқобил бўлган ҳолатни айта оласизми? Бу ҳақда бошқалар нима дейди? Танқидга учрашингиз мумкин?

5. Ўз ва ўзгалар фикрини таҳлил этиш.

Ўкувчи-талаба ўз фикри билан ўзгалар фикрини ўзаро таққослаш, илмий асосланган ҳолатни аниқлаш учун фикрлар қарама-қаршилигини таҳлил этиши керак. Шунда қўйидаги саволлар асқотиш мумкин: ўз фикринг қандай? Қарши томоннинг далил-исботи нима учун тўғри ёки нотўғри? Қандай фикрлар сени қаноатлантиради?

Таҳлил қилинаётган муаммо бўйича турли фикрларнинг мантиқий натижаларини ўрганиш учун саволлар: Агар сизнинг ғоянгиз қабул қилинса, нима рўй бериши мумкин? У жамиятга қандай таъсир кўрсатади? Фойда берадими?

6. Муаммо натижасини қабул қилиш.

Бу “танқидий фикрлаш” усулининг сўнгги босқичи ҳисобланниб, талабалар фикрлари қайтадан баҳоланади ва мутаносиблик аниқланади. Бунинг учун: Қайси натижа энг қулай ва ишончли? Кимнинг чиқиши мақсадга мувофиқ бўлди? Сиз баҳсга қандай нуқта қўйган бўлардингиз? каби саволлар асқотиши мумкин.

Нейро лингвистин дастурлаш технологияси

Ҳали таълим тизимида кенг оммалашмаган янги замонавий технология турларидан бири Нейро-лингвистик дастурлашдир (НЛД). Нейро-лингвистик дастурлаш тил ва унинг таърифини ишлаш билан туғилланувчи инсоннинг субъктив тажрибаси тизимини ўрганадиган билим соҳасидир. Бунда тажрибани моделлаштириш воситалари ва механизми очиб берилади. НЛД нинг энг биринчи номланиш “Метазнание” деб аталган эди, яъни бизнинг билим ва тажрибалримиз қандай ва нимадан ташкил тонганилигини ўрганувчи фан ҳисобланади.

НЛД номланишини “нейро” қисми инсон тажрибасини таърифлаш учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга жавоб берадиган “мия тилини”, яъни нейрологик жараённи билиши лозимлиини кўрсатади.

“Лингвистик” сўзининг мазмуни коммуникацион жараённи ташкил этишда фикрлаш ва ҳулқ-атвор механизмлари муҳим томонларини тасвирилашда тилнинг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлашга хизмат қиласди. Дастурлаш фикрлаш ва ҳулқ-атвор тизимлилигини аниқлаб беради. “Дастур” грекча сўздан олинган бўлиб “Муайян натижа олишга йўналтирилган аник ва изчил қадам” маъносини беради. НЛД билимнинг илмий соҳаси ёки санъат сифатида ва маънай камолотни белгилашжа амалий қурол ва технология сифатида тасаввур қилиш лозим. Ақл, рух ва тана бирлиги концепциясидан келиб чиқиб инсоннинг билиш жараёни тажрибаси сифатида қўллаш мумкин.

НЛД-шахсий маҳорат ҳалқидаги фан ва саънатдир. Шунинг учун саънатни, унга ҳар бир инсон ўз шахсий ҳиссасини қўшиши мумкин. Шунинг учун фанки ҳар қандай соҳа бўйича муҳим натижалар олиш мумкин. УЗигмунт Флейд таълимоти бўйича психотрапияда кенг қўлланилмоқда. Таълим а ўқитишда уни муваффақиятли қўллаш яхши натижа бериши мумкин.

Манипуляция (инсон онгини ўзига сездирмай бошқариш)

Жамиятнинг ўз эртаси ва келажагига ишонч ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат баҳт саодати йўлида, демак ҳар бир фуқаро манфаатидан келиб чиқувчи маҳсус фаолият-мафкуравий тарбия ётади. Мафкуравий тарбия деганда гап, “кишилар дунёқарашини бошқариш ҳақида

эмас, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш”ни ҳам англатади.

Мафкуравий тортишувларда таҳдид солувчи ҳам, ўзини ҳимоя қилувчи ҳам ғояни оммалаштириш услугларидан фойдаланади. Бу мафкуравий тарбия услуглариdir. Демак, файси томоннинг енгишини пировард натижада илмга асосланган тарғибот ва ташиқот ҳал қиласи. Шу тариқа мафкуралар тортишуи-тарғибот ва ташвиқотлар тортишувига айланади, дейиш мумкин. Шу сабабли “Миллий истиқлол мфкураси том маънодаги миллий мафкурага айланиш учун қатор талабаларга жавоб бериши зарур. Ана шундай талабалардан бири ҳар фандай ёзув ғояга қарши жавоб бера олишдир”¹¹

Ҳозир фан ва технологиялар равнақи даврида бошқа кашаларнинг онги ва қалбига яширин, ғараз мақсад билан таъсир кўрсатишни ифодалашда минипулация (manus-қўл), сўзи, яъни обьект устидан бирор мақсадда иш олиб бориш маъносида ишлатилмоқда. Бунда чақонлик, маҳорат талаб қилиниши кўзда тутилади. Шу сабабли “манипуляция”ни кўчма маънода “одамлар билан обьект сифатида муносабатга киришиш” деб ҳам тушуниш мумкин. 1969 йил Нью Йоркда чоп қилинган “Замонавий социология луғати”да бу ҳақда “бошқаларга билдирамасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳукмронлик қилиб, ўзи истаган хулқ-атворни шакллантириш” дейилади.

Биз учун муҳим жиҳати шундаки, ушбу вазиятда шахс ва унинг мафкуравий иммунитетига таъсир кўрсатиш жараёни манипуляция тушунчасида акс этади. Чунки, масалан, “давлатчи”нинг таъсири биринчидан шахсга нисбатан зўрлик, куч ишлатилмайди, балки маънавий, психологик хусусиятга эга; иккинчидан, бу таъсирда асл мақсад яширин қолади. Шунинг учун ҳам “ислом дини ниқобида” дган ибора ишлатилади; учинчидан, ғоявий манипуляция, зимдан таъсир кўрсатувчидан маҳорат ва билимни талаб қиласи. Шундай экан, ғоявий манипуляцияни мафкуравий кураш, ёт мафкуралар томонидан қўлланилаётган таъсир технологиясининг таркибий қисми, деб аташ мумкин. Яъни манипуляция одамни у ёки бу ишни қилишга эмас, (тарғибот ва ташвиқотдан фарқли ўлароқ), балки шу ишни қилишга ҳоҳиши, истак уйғотишга хизмат қиласи.

Бунда, яъни ғоявий манипуляцияда қандай жараёнлар кечади? Аввало ғоявий манипулятор (даъватчи)нинг мақсади-унга ўз тасаввурларини ўзгаришишга олиб келувчи белги, билимлар бера бошлайди. Натижада обьект (шахс)нинг дунё, дин, хаёт, яшашдан мақсад каби тасаввурлари, қадриятлар тизимида даъватчи-манипулятор кутаётган тартиб пайдо бўлади ва етакчилик қила бошлайди. Бу эса шахснинг хулқ-аторига таъсир кўрсатади, шахс ўз характеристидаги ўзгаришларни сезмайди ва “мен тўғри йўл тутаяпман, чунки...”, деган асосга эга бўлиб қолади.¹

¹¹ Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. Т:; “Ўзбекистон”, 2000, 80 б. 45-46 б.б.

¹ Кара-Мурза, С.Г. Краткий курс манипуляции сознанием. (Серия: Тропы практического разума.) –М: Алгоритм, 2002-288 с. с 15.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг “80-йилларнинг охирида мамлакатимизда ўзини “дўст”, “диндош”, миллатдош қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг соғлиги учун курашга “даъват” этувчи айрим кимсалар кириб келди... Жуда “чиройли даъват”лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга эришди ҳам... улар дин инқоби стида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдаси экани ошкора бўлди...”, деган фикрларини эслаш ўринлидир. Бу ўгитлар бизни нафақат огоҳликка, балки мафкуравий кураш майдонида сезгирикка, курашчанликка чорлайди. Бу курашда бизга ота боболармизнинг синовдан ўтган ҳикматлари ҳам қўл келади.

Назорат саволлари

1. “Бир соатлик дарс – янги бир асар” деган мулоҳаза нечоғли ўринли? Уни Сиз қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?
2. Ноанъанавий дарслар учун қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат деб ўйлайсиз?
3. “Тингловчи(талаба, талаба)лар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашга имкон берадиган шакл ва усувлар” деганда нималар назарда тутилади? Уларнинг ёнига яна нималарни қўшиш мумкин?
4. Юқорида келтирилган усувларни қўллаш дарс самарадорлигига қандай тасдири кўрсатади?
5. Нейролингвистин дастурлаш технологиясининг моҳияти нимада?

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. –192 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2008. –180 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
5. Замонавий дарс. / Масъул мухаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. –120 бет.
6. Сайидаҳмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
7. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар (қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001 йил.
8. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: Университет, 2001.

9. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
10. Мамашокиров С. ва бошқалар. Ўзбекистонда янги жамият курилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. (Ўқув-услубий қўлланма). – Т.: 2004
11. Миллий ғоя:асосий тушунча ва тамойиллар.(дарслик) –Т.: Академия, 2005 йил.
12. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Академия нашриёти. 2007.
13. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Назаров Қ. таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.
14. Холиқов И., Лафасов М., Рустамов М., Машарипова Г., Жуманиёзов Х., Рустамова Ф. Миллий ғоя фанидан семинар машғулотлари ўтказиш методикаси. — Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2011 йил.
15. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 80 б. 45-46 б.б.
16. Кара-Мурза, С.Г. Краткий курс манипуляции сознанием. (Серия: Тропы практического разума.) –М: Алгоритм, 2002-288 с. с 15
17. М.Қаршибоев, С.Нишонова, О.Мусурмонова, Р.Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 7-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.
18. Р.Қўчқоров, С.Нишонова, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 8-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.
19. О. Мусурмонова, Муртазо Қаршибоев, Раҳмон Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 9-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
3. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
4. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
5. www.tdpu.uz.

6-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҢНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК

Режа:

1. Мактаб таълими. Ундаги асосий мавзуу ва материаллар танлови ҳамда талабаларнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари.
2. АЛ ва КХҚдаги миллий ғоя ва маңнавият асослари фанларининг хусусиятлари. Олий таълимдада миллий ғоя ва маңнавият асослари фанларини ўқитиш таҳлили.
3. Кўшимча адабиётлар билан ишлаш методикаси.
4. Олий таълим тизимида миллий ғоя, миллий ғоя ва маңнавият туркумига киরувчи фанларва ҳукуқ таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Таянч тушунчалар: таълим тизими, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар таълими ҳамда олий таълимдаги адабий таълим хусусиятлари, ДТС, билим, кўникумка, малака, компетенция.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Буюк маңнавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўникумлари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”¹².

Бунинг исботи сифатида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонунларни эслаш мумкин. Таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари мана шу Қонун талабларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги барчага яхши маълум. Бу борада бирмунча ютуқлар қўлга киритилганлиги, дастлабки босқич талабларининг деярли тўла бажарилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи ўз навбатида миллий ғояларнинг ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутади.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим муассасаларида

Болаларда Ватан, унинг рамзлари ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш. Миллий ғояни кўргазмали воситалар билан сингдириш.

- ўйин машғулотлар орқали;
- эртак ва ривоятлар ҳикоя қилиш;
- суҳбат;
- саҳналаштириш, ролли ўйинлар;
- сайр ва саёҳатлар давомида Ватан туйғусини кучайтириш.

¹² Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг IX сессияда сўзлаган нутки. 1997 йил 29 август. Тошкент. Шарқ. 1997. 5-бет.

Мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғоя ва мафкурага доир қўникма ва малакаларни шакллантиришнинг амалий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- мустақил фикрлаш;
- фикрини равшан ифодалай олиш;
- виждонлилик, ростгўйлик;
- меҳнатсеварлик;
- бурчни ҳис ва идрок қилиш;
- ўз-ўзини англаш;
- масъулиятлилик;
- жамоавийлик.

Кичкинтойларни мактаб таълимига тайёрлашда қўйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- ўқиши, ўрганишга ҳавас уйғотиш;
- табиатни асраб-авайлашга ўргатиш;
- китобхонликка қизиқтириш;
- озодалик ва саломатлик одоби;
- одоб кўникмаларини пайдо қилиш;
- ўз ҳатти-ҳаракати учун масъулиятни тарбиялаш.

Шунингдек, болаларга миллий ғоя ва мафкурани сингдиришда қўйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш керак:

1. Миллатимизга хос урф-одат, анъаналар, инсоний фазилатларни эгаллашга кўмаклашиш.
2. «Ўзбекистон – менинг Ватаним» мавзууда турли тадбирлар ўтказиш, унда Ватан – вилоятлар, туманлар, шаҳар ва маҳаллалар бирлиги эканлигини англатиш.
3. Она тилимизга эътиборни оширишга доир суҳбатлар, мушоира ва баҳслар ўтказиш.
4. Ватан табиати ва ундаги барча нарсаларни севиш, ардоқлашни ўргатиш.
5. Атроф-муҳиттга онгли, огоҳ ва зийрак муносабатда бўлиш маданиятини таркиб топтириш.
6. Гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланишни тарбиялаш.
7. Она-ватан ҳақидаги шеър ва қўшиқларни ёд олиш, куйлашга ўргатиш.
8. Халқ оғзаки ижодида Ватан ҳақидаги мавзуларни ўқиш ва ўрганиш.

Умумий ўрта таълим “Одобнома” (1-4-синф)

- мактабгача ёшда ўрганганди билим ва малакаларни такомиллаштириш;
- миллат ва элатлар, уларнинг бой урф-одатлари, анъаналарини ўрганиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- дин ҳақидаги дастлабки тушунчаларни шакллантириш;
- мулоқот маданиятини тарбиялаш;
- тўғрилик, меҳнатсеварлик малакаларини ўзлаштириш;

- инсоний фазилатлар: виждон, ҳалоллик, исроф, увол, ватанпарварлик, ботирлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, савоб сўзларининг луғавий маъносини билиш ва уларга амал қилиш;
- миллий ғоя ва тушунчаларни сингдиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш;
- одоб ва ахлоққа доир кўникмаларни сингдиришда педагогик технология тамойилларига таяниш;
- нима яхши-ю, нима ёмон эканини фарқлашга, эзгу ишлар қилишга ўргатиш;
- тарихимиз ва бой маданиятимизга оид лавҳаларни намойиш этиш;
- юрт тинчлиги, ободлиги, халқ осоийшталиги ҳақида суҳбатлар ва бу жараёнларда ҳар бир талабанинг бурчлари ҳақида тушунчалар бериш;
- ҳақгўй ва адолатли бўлишга интилишни кучайтириш;
- оила ва унинг шаънини сақлаш учун қайғуриш туйғусини тарбиялаш;
- билим, китобни қадрлашга ўргатиш;
- кўни-қўшни, қариндош-уруғларга, устоз-мураббийларга ҳурмат ва илтифот кўрсатишга ўргатиш;
- Миллий байрамлар, улутғ аждодларимиз таваллуд кунларини нишонлаш тадбирларида фаол иштирок этишни ташкил этиш.

“Ватан туйғуси” (5-6 -синф)

Талабаларнинг миллий ғоя бўйича “Одабнома” фани доирасида ўзлаштирган тушунчалари 5-6-синфларда ўқитиладиган “Ватан туйғуси” фанини ўқиши жараённида ривожлантирилади.

“Ватан туйғуси” фани “Одабнома” фани мазмунини такрорламасдан, ундаги назарий ва амалий билимлар мажмuinи реал ҳаётдаги мисоллар билан бойитиб, чуқурроқ ўргатишга қаратилмоғи зарур.

“Ватан туйғуси” талабалар онгida “Ватан”, “Ўзбекистон - ягона Ватан” каби тушунчаларни шакллантириш билан бошланади. Ўзбекистон халқи, Ўзбекистон халқининг миллий таркиби, Давлат рамзлари каби тушунчалар мантиқий кетма-кетликда, узвийликда баён этилади. “Биз буюк тарих эгасимиз”, “Биз буюк маънавият эгасимиз” мавзуларини баён этишни “Ватан тарихидан хикоялар”, “Адабиёт” каби фанлар билан мувофиқлаштириш зарур.

Ватанга муҳаббатни шакллантиришга доир мавзуларни ўтища талабаларнинг ёш, физиологик-психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларда аждодлар меросидан ғурурланиш, фаҳрланиш ҳиссиётини ўйғотадиган усул, воситалардан, анимацияли электрон дарслик, қўлланмалар, миллий қадриятларимиз акс эттирилган фильмлар, бадиий асарлардан фойдаланиш керак.

Фан мазмунини баён этишда мавзулараро узвийлик, фанлараро интеграция, мантиқий кетма-кетлик тамойилларига риоя этиш лозим.

Талабаларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш оддийдан мураккабга тамойилига асосланади.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда “Ватан туйғуси” фани мазмуни орқали талабалар қуидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

5-синфда:

- туғилиб ўсган макон – маҳалла, қишлоқ, Ватан моҳиятини англаш;
- халқ оғзаки ижоди акс этган асарлар, ривоят, афсона ва ҳикматлар асосида аждодларимизнинг ватанпарварлик хислатларини англаб етиш ва уларга хурмат туйғусини шакллантириш;
- миллий ва умумбашарий қадриятлар тушунчаларининг асосий мазмун ва маъносини билиши;
- ёзма маънавий-маърифий меросимиз ҳақида илк тушунчаларга эгалик;
- хорижий мамлакатлар тараққиёти тажрибасидан хабардор бўлиши;
- “Темурийлар давлати” – миллий давлатчилигимиз тарихининг энг ёрқин сахифаларидан бири эканини билиши;
- маърифатпарвар жадидлар ҳақида тушунчага эга бўлиши, уларнинг асосий мақсад ва вазифаларини таҳлил эта билиш;
- тарихни билиш – ўзликни англаш гарови эканини англаши;
- миллат ва халқнинг шаклланишида Ватан туйғуси асосий омил эканини шарҳлай олиши.

6-синфда:

- Ватан, маҳалла, қишлоқ, диёр, юрт, ўлка, мамлакат, республика сўзларининг маъносини шарҳлай билиши;
- ўзи туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқ ҳақидаги маълумотларни билиши;
- Ватаннинг улуғлиги, уни эъзозлаш кераклигини англаб етиши;
- Ватанга хиёнат қилиш энг катта гуноҳ ҳисобланишини билиши;
- Ватан, она-юрт ҳақидаги ҳикматли сўзлар, нақл-мақолларни ишлатиш ва шарҳлай олиши;
- Ватан туйғуси, миллий ғуур, миллий ифтихор тушунчалари мазмун ва моҳиятини англаб етши;
- Мустақиллик, давлат ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- Ватан ва оила олдидаги фарзандлик бурчини билиши;
- давлат рамзи ва тимсолларининг мазмун-моҳиятини тушуниши;
- ўз хукуқ ва бурчларини билиши.

“Миллий ғоя ва маънавият асослари”

(7-9-синфлар)

Талаба-ёшларнинг миллий ғояга доир “Одабнома”, “Ватан туйғуси” фанларидан олган билимлари 7-9-синфларда ўқитиладиган “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанини ўқитиш жараёнида бойитиб борилади.

“Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг вазифалари жумласига ижтимоий ҳаётда юз бераётган турли хил диний экстремистик, халқаро терроризм, информацион хуружлар, тажовузкорлик ҳаракатларига қарши талабаларни ғоявий тарбиялаш, воқеа-ходисалар моҳиятини тўғри талқин эта олиш, соғлом эътиқод ва дунёқарашларини таркиб топтириш, зарарли

ғояларга қарши курашиш кўникма ва малакасини, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳам киради.

Мазкур фаннинг “Миллий ғоя” бўлими бўйича талабалар онгига сингдириладиган миллий ғоя, мафкура, ғояларнинг турлари, диний экстремизм, ақидапарастилик, ўзбек модели, жамиятни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари каби масалалар талабаларга тушунарли тилда содда, тарихий ва ҳаётий мисоллар орқали мавзулараро узвийликка риоя қилинган ҳолда изчил етказилиши лозим.

“Маънавият асослари” бўлими маънавий-маданий, одоб-ахлоқ меъёрлари, инсонийлик фазилатлари, жамоанинг тарбиявий таъсири, ёшларнинг ўз кучи, билим салоҳияти ва келажагига ишонч ҳисларини шакллантиришга хизмат қиласи.

7-синфда “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани истиқлолнинг миллатимиз келажагини таъминлашдаги аҳамияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, фикр, ғояларнинг турлари, мафкура, тараққиёт, мустақиллик, Конституция, маданият, санъат, инсоний фазилатлар ҳақида билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни назарда тутади.

8-синфда талабалар томонидан эгалланган юқоридаги билим, кўникма ва малакалар янада мукаммалроқ тушунчалар билан бойитилиб, бунда ҳалқимизнинг кучи ва қудрати бирдамликда ва ҳамжиҳатликда эканини талабалар онгига сингдириш назарда тутилади. Стратегик мақсадлар, мафкуравий иммунитет, миллий истиқлол мафкураси, бош ғоя ва асосий ғоялар, инсонийлик, соғлом турмуш турзи сингари тушунчалар ижтимоий ҳаётимиз билан қиёслаш орқали ўрганилади.

9-синфда эса дунёнинг мафкуравий манзараси, геосиёсат, диний экстремизм, терроризм, цивилизация, тараққиётга йўналтирилган ўзбек модели ҳақидаги тушунчаларни талабалар онгига сингдириш орқали уларни мустақилликни қадрлайдиган, бурч ва масъулиятни сезадиган, юрт келажаги учун жавобгарликни намоён қиласиган фазилатларни тарбиялаш асосий вазифа ҳисобланади.

Миллий ғоянинг инсон дунёқарashi, зътиқоди, тафаккури, характер сифатларини шакллантиришдаги мураккаблиги, тарих, иқтисод, сиёсат, маънавият ва бошқа фанлар ҳақидаги билимлар билан боғлиқлиги фанлараро интеграцияни амалга оширишни, таълим таълим жараёнини ташкил этишга, турли методлардан фойдаланган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Бир-бирига яқин бўлган “Фоя нима?”, “Фоянинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари”, “Мафкура нима?”, “Тараққиёт ва мафкура” масалаларини олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда “Давра суҳбати”, “Эркин минбар”, “Гурухлараро баҳс” сингари талабаларни фаолликка ундовчи методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муайян масала юзасидан талабаларнинг қизиқиши, фаоллигини оширадиган, изланувчанликка асосланган “Эвристик мулоқот”, “Алоҳида ҳолатлар таҳлили”, “Муаммоли вазият”, “Ақлий хужум” методларидан ижодий фойдаланиш зарур.

“Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани мазмунининг узвийлик ва узлуксизлик тамойилига риоя этилган ҳолда талабаларда қуидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш қўзда тутилади.

7-синфда:

- ғоя билан фикрни бир-биридан фарқлай олиш;
- ғоянинг турларини ажратса билиш;
- мафкура моҳиятини тушунтириб бера олиш;
- тараққиёт жараёнида мафкурунинг ролини англай билиш;
- бунёдкор ва бузғунчи ғояларга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш;
- маънавият, мустақиллик тушунчаларининг мазмунини билиш;
- ватанпарварлик ҳиссининг камол топтириши;
- миллат тушунчасининг мазмун ва моҳиятини англаш;
- миллий ифтихор туйғусини ҳис қилиш;
- билимдонлик – маънавий баркамоллик мезони эканини англаш, саводхонлик;
- ўзида ҳуқуқий маданият асосларини намоён қилиш;
- инсоннинг табиатга муносабати, экологик маданият – олийжаноблик белгиси эканини англаш;
- санъатни гўзаллик тимсоли сифатида ҳис эта олиш;
- инсонпарварлик – олий фазилат белгиси эканини билиш;
- инҳр-муруват – юксак фазилат эканини англаш;
- дўстлик, ўртоқлик, камтарликка ижобий, манманликка ўз салбий муносабатини билдира олиш;
- миллий ғурурлилик кўникмаларини намоён қилиш.

8-синфда:

- Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ва ўз тараққиёт йўлини ёшига мос равишда тушуниш;
- ғоявий бўшлиқ тушунчасини шарҳлай олиш;
- мафкуравий полигоннинг ядрорий полигондан нима учун хавфлилигини анграб етиш;
- мафкуравий иммунитет тушунчасини шарҳлай олиш;
- миллий истиқлол мафкураси моҳияти, вазифаларини англаш;
- “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” ғоясининг мазмунини тўлақонли тушуниши;
- миллий истиқлол мафкураси ғояларининг мазмуни ва моҳиятини тушуниб етиш ва асослай олиш;
- миллий истиқлол мафкурасининг бош в асосий ғояларини шарҳлай олиши;
- инсонийлик хислатлари ҳақида мустақил фикрлай олиши;
- Наврӯз, Ҳайит, Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда бошқа умумхалқ байрамлари моҳият-мазмунинианглаши;
- ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари ва заарли оқибатларини билиши.

9-синфда:

- “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласини ўрганиш;
- “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг мақсад-моҳиятини билиш;
- “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!” шиори мазмун-моҳиятини билиш ва тушунириб бериш;
- дунёнинг мафкуравий манзараси, кўп қутбли дунё ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- айрим давлатларнинг ғаразли геосиёсати ва унинг ортида ётган мақсадларини тушуниш;
- диний экстремизм, унинг кўринишлари ва зарарли оқибатлари ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- халқаро терроризм: унинг турлари, намояндадари ва зарарли оқибатларини билиш;
- антик, ўрта асрлар ва замонавий тараққиёт ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;
- тараққиётнинг ўзбек модели, жамиятни ислоҳ этишнинг беш тамойилини англаб етиш;
- маънавият, мустақиллик маънавияти ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;
- маънавий баркамол инсон тушунчаси ва шахс маънавияти мезонларини билиш;
- Ватан, миллат олдидаги бурч, масъулият ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- она тилининг роли ва аҳамиятини англаш;
- меҳнатсеварлик, касб-хунар комиллик нишонаси эканини тушуниш;
- уй тутиш қоидаларини билиш, рўзгор юритишида тежамкорлик маданиятини шакллантириш;
- урф-одат, анъана, тўй ва маросимлар орқали меҳр-оқибат туйғуларини уйғотиш;
- маҳалла – жамоавийликнинг ноёб, анъанавий миллий усули, тарбия маскани экани ҳақида билимлар мажмуасига эга бўлиш, унинг мазмун-моҳиятини англаш.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фани мазмунида:

Талабаларнинг 7-9-синфларда «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанидан эгаллаган тушунча, кўникма ва малакалари 10,11-синфларда «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанидан ғоя ва мафкуралар тарихи, ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш мафкуравий муаммолар ва мафкуравий иммунитетга доир мавзуларни ўтиш жараёнида ривожлантирилади.

Мақсад талабаларни миллий ғоя бўйича назарий ва амалий билимлар билан қуроллантириш, уларда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни

шакллантиришни давом эттириш ҳамда ғоявий тарбияни амалга оширишдан иборат.

Мазкур фан бўйича ўқитиладиган мавзуларни 7-9-синфларда ўтилган мавзулар билан боғлаб, узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш талабалар томонидан ушбу фанни мукаммал ўрганиш имкониятини яратади.

Талабаларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда илғор педагогик технологиялар ва масофадан ўқитиш каби усуллардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Талабаларнинг миллий ғояга доир мустақил илмий изланишини ташкил этишда илмий маъruzалар билан чиқиш, семинар-конференция усулларидан фойдаланиш мумкин.

Уларни янги ғоя ечимини яратиш, шахсий тажрибага ёки вазиятга боғлаш, баҳсли ғояларни муҳокама қилишга ўргатиш учун гурухли баҳслар, маълум бир вазиятлар таҳлили, савол-жавоб, сўровномалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Талабаларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш, ахлоқий хислатларни миллий қадриятлар асосида таркиб топтириш, ривожланишнинг маънавий-ахлоқий негизлари, комил инсон тарбияси ҳақидаги маъruzалар, қизғин суҳбатлар ва мунозараларда амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг мазмuni қўйидагилар билан асосланади:

Ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Бунёдкор ғоя ва соғлом мафкуранинг инсон ва жамият ҳётидаги аҳамияти. Вайронкор ғоя ва мафкуралар. Миллий ғоя ва мафкураларнинг тарихий илдизлари. Буюк алломаларнинг жамият тараққиёти тўғрисидаги ғоялари ва маънавий мероси, ундан фахрланиш туйғуси. Миллий ғоянинг умуминсоний қирралари. Ҳозирги дунёning ғоявий-мафкуравий манзараси. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. Ҳозирги давр: геосиёsat ва мафкуравий полигонлар. Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий муаммолари. Истиқлол ва миллий мафкуранинг шаклланиши зарурати. Янгиланиш ва ривожланишнинг маънавий-ахлоқий негизлари. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва мафкуравий муаммолар. Тараққиётнинг ўзбек модели. Миллий ғоя ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши. Заарали ғоялар ва мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва ҳушёрлик. Халқаро терроризм. Мафкуравий таҳдидларнинг шакллари ва турлари. Мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва ҳушёрлик зарурати. Мафкуравий иммунитет ҳақида Президент Ислом Каримов фикрлари ёритилади.

Миллий ғоя ва мафкуранинг мазмун-моҳияти. Миллий мафкуранинг асосий тамойиллари. Миллий мафкура озиқланадиган умумбашарий қадриятлар. Миллий мафкуранинг бош ғояси ва асосий ғоялари. Миллий мафкуранинг мақсад ва вазифалари. Миллий мафкуранинг ўзига хос хусусиятлари. Ёшларнинг ғоявий дунёқарashi ва маънавий фазилатлари. Мафкуравий тарбия тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти. Ёшларни ғоявий-

мафкуравий ва маънавий тарбиялаш. Комил инсонни вояга етказишида мафкуранинг аҳамияти. Комил инсон тушунчаси. Мафкуравий тарбиянинг услугуб ва во ситалари. Миллий ғуур каби масалалар очиб берилади.

«Миллий ғоя ва мафкура» фани ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фақат учинчи якунловчи босқичларда ўқитилади. Шунга кўра, 9-синфни тамомлаб келган талаба учун бу фанни ўрганишида 2-2,5 йил узилиш бўлади. Мана шу оралиқ масофада талабаларнинг миллий ғояни ўрганиб бориши учун таълим жараёнида узвийликни таъминлаш зарурати туғилади. Бу вазифани амалга оширишда мазкур таълим тизимида ўқитиладиган умумтаълим фанлари қўл келади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида Миллий ғоя ва миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларфандарни ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга. Таълим олаётган ёшларга «ғоя» ва «мафкура» тушунчалари моҳияти ва мазмuni тушунтирилади. Мафкуралар ўртасида кураш кескинлашган тарихнинг ҳозирги бурилиш палласида бунёдкор ғояларнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик билан суғорилган тамойилларига таяниш талаба-ёшлар онгига сингдирилади. Вайронкор ғоялар эса ҳамма даврларда ҳалокатли оқибатларга олиб келишини тарихий мисоллар ҳамда замонамиизда юз бераётган воқеалар асосида тушунтирилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида талабаларга ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш, Марказий Осий: геосиёсат ва мафкуравий жараёнлар, биз қандай жамият барпо этмоқдамиз, тараққиётнинг ўзбек модели, миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти ва мазмuni, миллий ғоянинг асосий тамойиллари, миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари, бунёдкор ғоялар, истиқлол ва ғоявий тарбия, комил инсон каби мавзулар асосида талабаларга билимлар берилади.

Назарий тушунчалар амалий машғулот жараёнида мустаҳкамланиб, бўлажак касб-хунар соҳалари билан боғлаб, зарур кўникумга ҳамда малакалар ҳосил қилиниб борилади.

Назорат саволлари

1. Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият асосларининг қандай ўрни бор?
2. Бугунги кунда миллий ғоя а маънавият туркумига кирувчи фанларнинг дастури ва дарслкларига қандай талаблар қўйилади?
3. Мактаб таълимидаги асосий мавзу ва материаллар танлови ҳамда талабаларнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари қандай?
4. АЛ ва КҲҚдаги миллий ғоя ва маънавият асослари фанларининг хусусиятларини изоҳланг...
5. Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг бугунги кундаги умумий аҳволи ҳақида қандай фикрдасиз?

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётиning пойдевори.

Президент Ислом Каримовнинг IX сессияда сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Т.: Шарқ, 1997, 5-бет.

2. Замонавий дарс./Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.

Электрон таълим ресурслари

1.Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz

2. www.ziyonet.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

4. www.edu.uz

5. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz

6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>

9. [www.tdpu.uz.](http://www.tdpu.uz)

7-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҢНАВИЯТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Режа:

1. “Миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларва ҳуқук таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш.
2. Лойиҳа технологияси.
3. “Миллий ғоя, миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларва ҳуқук таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойиҳалаштириш

Таянч тушунчалар: инновацион технологиялар, лойиҳа технологияси, адаптация, режа.

“Миллий ғоя, миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанларва ҳуқук таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш катта рол ўйнайди. Бунинг учун ўқитувчи дарс турларини яхши билиши, уни шароитга қараб қўллаши, вазиятдан усталик билан фойдаланиш, ўқитиш методикасини пухта эгаллаши лозим.

Ўрта умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида миллий ғоя ва маңнавият туркумига киравчи фанлар бўйича қуидаги дарс турларини кўрсатиш мумкин:

*ўқувчиларни янги тушунчалар билан таништириш, янги билим ва қўникмаларни ҳосил килиш дарслари (бу дарсларда тушунчалар билимлари ҳосил килинади);

*турли хил янгиликлар ёрдамида янги билим, малака, қўникмаларни мустаҳкамлаш дарслари;

*ўтилганларни такрорлаш, умумлаштириш дарслари;

*кейинги боскичда хатоларнинг олдини олиш мақсадида билим, малака ва қўникмаларни текшириш дарслари.

Ҳар бир дарсда турли хилдаги дидактик мақсадлар амалга оширилиши мумкин: уй вазифасини текшириш; дарснинг ва мавзунинг мақсадини баён қилиш; олдин ўтилганларни такрорлаш ёки болаларнинг ҳаёт тажрибасини эсга тушириш йўли билан ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш; янги материални ўрганиш (дарснинг асосий бўлими); болаларнинг олдин ўзлаштирилган билим ва қўникмаларини мустаҳкамлаш; ўрганилган билимларни ҳисоблаш; машқ, билим ва малакаларни қўллаш (дарснинг асосий бўлими); ўқувчиларни мустақил ишлатиш ва уни текшириш; олдин ўзлаштирилган материалларни такрорлаш; уйга вазифа бериш; дарсни хулосалаш.

Дарснинг асосий қисмларини турли хилда ва турли методлар билан бирга қўшиб олиб бориш мумкин.

Ўқитувчи дарс режасини тузишда қуидагиларни эътиборга олиши керак. Шу дарс қандай қисмлардан иборат бўлиши, уларни қандай кетма-кетликда жойлаштириш, улар ўртасида ўқув материалини қандай тақсимлаш, бу қисмлар бир-бирига қандай боғланишда, улар дарснинг асосий дидактик мақсадини амалга оширишда етарли миқдорда ёрдам беришини ҳисобга олиш керак. Масалан:

Мавзу: _____

Дарснинг мақсадлари:

Таълимий мақсади: Тарбиявий мақсад: Ривожлантирувчи мақсад:

Ўтган дарсни мустаҳкамлаш ёки мустақил иш: Янги мавзу баёни:

Янги мавзуни мустахкамлаш:

Уйга вазифа

Мазкур дарснинг ҳар бир қисми умумий дидактик масалаларни бажаришга қаратилмоғи керак.

Дарснинг қисмлари асосий дидактик мақсадга қараб ўзаро боғланган бўлиши зарур. Алоҳида дарс турларининг таркибини қараб чиқамиз.

Масалан: ўқувчиларни янги тушунчалар билан таништириш, янги билим ва кўнималарни ҳосил қилиш дарслари.

Дарснинг бориши. Дарсни мақсадга мувофиқ шундай бошлаш керакки, барча ўқувчиларни, ўқув вазифаларини фаол бажаришга дарҳол тортадиган бўлсин. Шу мақсадда унча катта бўлмаган мустақил ишларни бажаришни талаб қиласди. Бундай мустақил ишлар ўқувчиларни янги материалларни ўзлаштиришга тайёрлади.

Дарснинг биринчи қисмida агар уй вазифаси мазмун жиҳатдан янги материалга боғлиқ бўлса, уни текшириш ҳам мумкин. Агар уй вазифасини янги мавзуга боғлиқ бўлмаса, янги мавзуни ўтишда ўқувчилар уни қўлламаса, у ҳолда янги билимларни баён қилиш дарсида уй вазифасини текшириш шарт эмас. Шундай қилиб дарснинг биринчи қисми ўқувчиларнинг фаоллигини ва диққатини йўналтиришга қаратилмоғи лозим, бу босқичга унча кўп вақт сарф қиласлиқ керак.

Ўқувчилар диққатини йўналтириш усууларидан яна бири дарснинг мавзуси ва мақсадини аниқ тушунарли эълон қилишдир. Бунда албатта ўқувчиларнинг қизиқишини орттириш ва муаммоли вазият яратиш зарур.

Янги ўқув материалини ўзлаштиришга ўқувчиларнинг фаол тайёрлаш мақсадида олдин ўзлаштирилган материаллар такрорланади, такрорлаш ҳарактеридаги материаллар кўпинча оғзаки бажарилади.

Дарснинг иккинчи қисмida янги тушунча берилади ёки ҳаётий мисоллар берилади. Бу ўқувчиларнинг баёни ёки сухбат орқали олиб борилади. Баъзан ўйувчига буни мустақил танлаб олиш ҳам тавсия қилинади.

Янги материални мустаҳкамлаш. Бу босқичда ўқувчиларга келтириб чикарилган, хулоса, муҳокамаларни эсга олиш, ундан кейин мустаҳкамлаш ҳарактеридаги вазифа берилиши керак. Бу вазифани бажариш ёрдамида ўтилган янги билим мустаҳкамланади ва биринчи бор амалиётга тадбиқ қилинади.

Биринчи вазифалар одатда жамоа бўлиб бажарилади. Ўқув материалининг мураккаблигига қараб ҳар қайси боскичда рационал бўлган йўл топилади.

Миллий фоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитиш дарсига тайёрланишда биринчи навбатда ўқувчиларга янги дарс материалы юзасидан қандай меъёрда тайёрланганлигини, бунинг учун нимани тақорорлаш зарурлигини аниқлаш керак.

Ўқитувчи миллий фоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар дастурини, ишчи режасини, дарслик ва ўқув кўлланмаларини, методик адабиётларни ва кўрсатмали қуролларни ҳозирлагандан кейин навбатдаги дарсга тайёргарликни бошлайди. Энг аввало навбатдаги дарс миллий фоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлардастурида қайси ўринда, қайси мавзулар билан боғлик ҳолда, тушунчани нималарга боғлаб тушунтириш кераклигини аниқлайди.

Бу саволларнинг ҳаммаси баён қилинганидан кейин дарснинг асосий дидактик мақсадини ва унинг типик хусусиятини катъий ўрганиш кераклиги келиб чиқади. Бу эса дарснинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Дарснинг дидактик мақсадида унинг мазмунидан дарснинг бир тизимга, яъни дарснинг алоҳида бўлимларининг бирлашиши, уларнинг органик бирлиги дарснинг қисмларини тўлдиради ва ўзаро бир-бирини боғлайди. Дарснинг режа ёки матнини тузишда мавзунинг дидактик мақсадига жавоб берувчи асосий қисмларни тузишдан бошлаш керак. Агар дарс янги билимларни баён қилишдан иборат бўлса, ўтган дарсдан нималарни тақорорлаш кераклигини, бу асосда янги мавзуни яхши ўзлаштириш мумкинлигини, яъни мавзудан уй вазифасини текшириш зарурми ёки йўқми, янги мавзуни ўзлаштириш учун ўқувчиларга қайси топшириқни тавсия қилишлигини ўйлаб кўриш керак. Шундан кейин ўқитувчи қайси ўқув материали билан дарснинг айrim қисмини тўлдириш зарурлигини, ўқитишнинг қайси метод ва усусларини кўллаш, қандай кўргазмали қуролларни тайёрлаш ва кўллаш мумкинлигини ҳисобга олади.

Дарснинг ҳар бир бўлимни бажариш учун қанча вакт талаб килишни аниқлаш зарур. Табиийки, дарснинг энг катта қисми дарснинг асосий дидактик максадини ечадиган бўлимга қаратилиши зарур.

Шундай қилиб, ўқитувчи қўйидаги ишларни бажариши лозим:

- ўқув дастури ва ўқитувчи режасида дарснинг ўрнини аниқлаш
- дарснинг асосий дидактик мақсадини аниқлаш
- дарс мазмунини аниқлаш
- дарс боскичларини тушиб чикиш
- дарс режасини тузиш
- дарс матнини ёзиш
- дарс ўтиш методларини аниқлаш
- дарсда ва уйга бериладиган вазифаларни бажариш
- кўргазмали қуролларни тайёрлаш

-хар бир босқичга сарфланадиган вақтни аниқлаш ва х.з.

Миллий ғоя ва маънавият туркумiga кирувчи фанларни ўқитиши дарсининг режа ёки матни ўқитувчига ўқувчилар билан бажарадиган иш турининг умумий йўналиши ва кетма-кетлиги намуналарини кўрсатиб туради.

Ўқитувчи дарс ўтишда тузган режа ёки конспектидан эркин фойдаланади, баъзан тузган режасидан чеккага чиқиш зарурати туғилади. Масалан, ўқувчилар ўқитувчининг баёнини ёмон тушунган бўлсалар, қўшимча тушунтириш ўтказади, ўқувчилар қийналаётган бўлсалар зарурий ёрдам кўрсатади. Билимларни мустаҳкамлаш учун билимларни ўқувчилар қандай тушунганилигини билиш мақсадида сўраш, топшириқларни бажаришини текшириб кўриш мумкин.

Ўқув лойиҳаси ва унинг ўзига хосликлари

Ўқув лойиҳаси – бу ўрганилган мавзу ёки бўлимни яна-да чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган, таълим жараёнига тажриба, фаолият асосида ёндашувга имкон берувчи, тадқиқотчилик ва изланишга доир методлардан фойдаланишни талиб этувчи таълимни ташкил этиш шакли.

Лойиҳа (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йифиндиси. Лойиҳа (projekt) тушунчаси кенгроқ маънода маълум натижага (ложиҳанинг беқиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

Лойиҳалаштириш – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартиба солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига оловчига муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Таълимий тавсифдаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги мазмунга эга:


- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроллари;
- ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чукурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Ўқув лойиҳасидан фойдаланиш ўзида қуйидаги мақсадларни акс эттиради:

- лойиҳавий таълим жараёни иштирокчиларида ўз-ўзига ишончни қарор топтириш, эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга эришиш;
- тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш;
- қўлга киритиладиган натижа учун ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлаш, ижодий топшириқларни бажариш жараёнида биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятга доир қўникма ва малакаларни ривожлантириш.

Ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари:

1. Тайёргарлик (мотивация, муаммоли вазиятларни аниқлаш, мавзуни танлаш, лойиҳанинг мақсадини белгилаш).
2. Лойиҳалашга доир (умумий режани ишлаб чиқиш, фаолиятни амалга оширишнинг аниқ режасини тузиш, танлаб олинган нуқтаи назар билан боғлиқликда топшириқларни ўқувчилар ўртасида тақсимлаш, мустақил иш, гурухли иш, семинар, “ақлий ҳужам”, практикум...).
3. Амалий (муаммони тадқиқ этиш, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш, натижа олиш, натижаларни синовдан ўтказиш, натижаларни график кўринишида тақдим этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш).
4. Аналитик (режалаштирилган ишлар ва олинган натижаларни таққослаш, умумлаштириш ва хulosалаш).
5. Назорат ва баҳолашга доир (мувафақиятларни ва йўл қўйилган хатоларни таҳлил этиш, хатоларни тўғрилаш йўлларини излаш, реал ҳолат билан боғлиқликда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш).
6. Якуний (иш мазмуни билан танишириш, хulosаларни асослаш, лойиҳа ҳимояси).



1-расм. Ўқув лойиҳасининг тузилиши ва мазмуни

Хозирги вақтда таълим амалиётида ўкув лойиҳасининг хилма-хил турларидан фойдаланилади:

- 1) етакчи фаолият турига кўра: тадқиқот, амалий йўналтирилган ва ахборотли;
- 2) фанга йўналтирилганлигига кўра: монолойиҳа ва фанлараро лойиҳа;
- 3) давомийлигига кўра: ўзок муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли;
- 4) лойиҳа иштирокчиларининг сонига кўра: индивидуал ва гуруҳли.

Умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида одатда, фанга доир амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолатда амалий йўналтирилган лойиҳалардан фойдаланиш яхши самара беради. Энг оддий ҳолатда, ўқитувчи ўқувчилардан фанга доир тарқатма материаллар ёки математик ўйинлар сценарийси, фразеологик луғатлар, тарихий атласлар яратиш топширигини буюриши мумкин. Амалий йўналтирилган лойиҳалар билан ишлаш жараёнида ўқувчиларда нафақат фанга доир билим, кўникма ва малакалар ривожланибина қолмай, балки фаолиятга доир компетентлик ҳам қарор топади.

Ўкув лойиҳасида энг катта эътибор ўқувчиларда ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади. Айнан ижодий лойиҳа ўқувчиларга ўзини намоён эта олиш, исталган жанрдаги асарни яратиш имконини беради. Шунингдек, ижодий лойиҳалар ўқувчиларни гуруҳдаги мақомининг ошиши, ўз-ўзини баҳолашга имкон бериши орқали уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради. Ҳар қандай ижодий иш уни тақдим этиш ва аудитория билан қайта алоқани тақозо этади. Ана шу сабабли ижодий лойиҳалар ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади.

Коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш шунингдек, ўйинли ёки ролли лойиҳалар давомида ҳам амалга ошади. Бундай лойиҳадан кўзланган асосий мақсад муаммони ҳал этиш жараёнида иштирокчиларнинг қамровини кенгайтиришда ёрқин намоён бўлади. Бунга эришиш учун эса, нафақат ахборотни излаш ёки санъат асарини яратиш, балки бошқаларнинг ҳам фаолиятини ташкил этиш, уларни ишга жалб эта олиш, ишни ҳамма учун қизиқарли бўлишига эришиш лозим бўлади. Айнан касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ёш хусусиятлари билан боғлиқликда ўйинли ва ролли лойиҳалардан фойдаланиш уларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Ўкув лойиҳаларининг яна бир муҳим жиҳати уларда қандайдир маҳсулотнинг яратилишида ўз аксини топади. Ижодий лойиҳалар кўпинча турли жанрдаги санъат асарларини яратиш ёки ижодий тадбирлар ўтказиш билан яқунланади.

Амалий йўналтирилган лойиҳалар қоидага мувофиқ моддий маҳсулотлар, баъзан тадбирлар кўринишида ёки ёзма кўрсатмалар, тавсиялар шаклида тугалланади.

Тадқиқотчиликка доир лойиҳалар натижасида илмий мақолалар, рисолалар, моделлар ёки макетлар, ўкув фильмлари, тақдимотлар яратилади.

Ахборий тавсифдаги ўкув лойиҳаларининг якуний натижаси ўқувчилар қоғоз варианнада ёки Интернетда жойлаштиришлари мумкин бўлган рисола, жадваллар, чизмалар, графиклар, диаграммалар тарзида шакллантирилади.

Ўйинли ва ролли лойиҳалар деярли ҳамма вақт тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш кўринишида намоён бўлади.

1-жадвал

Ўкув лойиҳаси турлари ва тавсифи

Лойиҳа тури	Лойиҳа мақсади	Лойиҳа маҳсули	Ўқувчи-ларнинг фаолият тури	Шакллантирилиши кўзда тутилган компетентлик
Амалий йўналтирилган	Лойиҳа буюртмачининг вазифасини амалий ҳалл этиш	Методик тавсиялар, тадбир сценарийлари, стендлар	Амалий	Фаолиятга доир
Тадқиқотчиликка оид	Қандайдир фаразни илгари сурин ва тўғрилигини исботлаш	Белгиланган усулда расмийлаштирилган тадқиқот натижаси	Мантиқий, фикрий ва операцион фаолият	Фикрлашга доир
Ахборий тавсифга эга	Бирор бир обьект ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотларни тўплаш	Статистик маълумотлар, ижтимоий фикрга доир сўров натижалари, бирор масала юзасидан турли муаллифларнинг фикрларини умумлаштириш	Ахборотлар билан ишлашга доир фаолият	Ахборий
Ижодий	Лойиҳа муаммосига бадиий қизиқишини ошириш	Бадиий асар(шеър, ҳикоя)лар, иншо, эссе	Ижодий фаолият	Коммуникатив
Ўйинли ва ролли	Лойиҳа муаммосини излаб топиш ва унинг ҳал этишга доир вазиятни тақдим этиш	Ишбоп ўйин, викторина, блиц-сўров, экскурсия	Гурухий фаолият	Коммуникатив

Ўқув лойиҳаларидан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларнинг ҳам индивидуал, ҳам гуруҳли фаолияти йўлга қўйилади. Ўқув лойиҳаларини баҳолашда аниқ мезонлар ва баҳолаш меъёрларга риоя этилиши лозим.

Ўқув лойиҳаларини баҳолашнинг умумий мезонлари сифатида куйидагиларни белгилаб олиш мумкин:

- муаммонинг долзарблиги ва аҳамиятини ёритиб бериш;
- муаммонинг тўлиқ ёритилганлиги;
- муаммони ҳал этишдаги оригиналлик;
- артистизм ва ифоданинг ёрқинлиги;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- лойиҳа юзасидан саволларга жавоб бера олиш.

Мазкур умумий мезонлар асосида беш баллик шкала бўйича баҳолашга доир меъёрлар шакллантирилиши мақсадга мувофиқ:

“5” балл: агар ўқувчининг бажарган иши лойиҳа мавзусига тўлиқ мос келса; муаммо тўла ёритилган бўлса; далилий материаллар тўғри бўлса; муаммо изчил, муайян кетма-кетликда баён этилган бўлса; нутқи равон ҳамда стилистик ва орфографик хатолар мавжуд бўлмаса қўйилади.

“4” балл: агар ўқувчининг бажарган иши лойиҳа мавзусига тўлиқ мос келса; далилий материаллар тўғри бўлса; муаммо изчил, кетма-кетликда баён этилган бўлса; матн тушунарли ва ёрқин ифодага эга бўлса, ишда жузъий бир ёки икки камчиликка йўл қўйилган бўлса қўйилади.

“3” балл: агар ўқувчи лойиҳа муаммосидан баъзи ўринларда бир оз четга чиққан бўлса; лойиҳада айрим далилий материаллар етарли бўлмаса; баъзи ҳолатларда лойиҳани баён этиш кетма-кетлиги бузилган бўлса; матнда айрим ғализлик ва нутқ ёрқин ифодага эга бўлмаса қўйилади.

“2” балл: агар иш лойиҳа муаммосига тўғри келмаса; далиллар етарли бўлмаса; фикрларни баён этишда кетма-кетлик ва изчилликка риоя этилмаган бўлса, матн қисқа ва тўлиқ бўлмаган кўринишдаги гаплардан тузилган бўлса, яхлитликда лойиҳа мазмунида олти, нутқда эса еттига хатолик мавжуд бўлса, қўйилади.

Назорат саволлари

1. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш ҳақида фикрларингизни баён қилинг...
2. Лойиҳа технологиясининг моҳияти нимада?
3. “Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойиҳалаштиришни сиз қандай изоҳлайсиз?
4. Ўқув лойиҳаси турлари ва тавсифи ҳақида тўхталиб ўтинг...
5. Ўқув лойиҳаларини баҳолашнинг умумий мезонлари қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Замонавий дарс. / Масъул мухаррир Ш. Шомансуров. –Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.
2. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 46–66-бетлар.
3. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзалиги. – Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. – 14 б.
4. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, Фан, 2007.
6. Йўлдошев К. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент, O‘zbekiston, 2006.
8. Мирқосимова М. Талабаларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент,Фан, 2006.
9. Сайидаҳмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
10. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. “Янги аср авлоди”, Т.: 2006.
11. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: 1994.
12. Қаюмов А. “Садди Искандарий” достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 84–103-бетлар.
13. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. – Т.: 2010.
14. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Тошкент, Шарқ, 2004.
15. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004.
16. Ҳаққул Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Тошкент, Зарқалам, 2006.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали:
www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. www.tdpu.uz.

ФАН БЎЙИЧА СИНОВЛАР УЧУН САВОЛЛАР

1. Нима учун аввалги таълим тизимида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди?
2. Таълим узвийлиги ва узлуксизлигини ҳамда унинг қандай таъминланишини тушунтиринг.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Ф-1331-сонли Фармойиши қачон эълон қилинди?
4. Республикаиз узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим босқичларида миллий ғоя ва миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар фанларининг асосий фанларсифатида узлуксиз ўқитилиб келинишининг меъёрий-хуқуқий асосларини санаб ўтинг...
5. Нима учун Президентимиз асарлари миллий ғоя ва маънавият асослари”, “Давлат ва хуқуқ асослари”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанларининг методологик асоси бўлиб ҳисобланади?
6. Хитой файласуфи Шан Ян (мил.авв. 390-338) фикрича, “Нодон ҳалқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир” фикрини изоҳланг...
7. Кейинги йилларда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишга қандай замонавий ёндашувлар жорий қилинмоқда?
8. “Компетенция”, “компетентлик”, “компетенциявий ёндашув” атамаларининг маъноларини изоҳланг.
9. Компетенцияларнинг турлари ва меъёрий даражаси талаблари ҳақида маълумот беринг.
10. Таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзини касбий жихатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига таъминланади. Улар қайсилар?
11. Педагогик қобилият ва дидактик қобилиятнинг моҳиятини тушунтиринг...
12. Миллий ғоя ва маънавият туркумига ки рувчи фанларни ўқитишда педагогик ва дидактик қобилиятнинг ўрнини изоҳланг...
13. Олий таълим босқичида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишда узлуксизликнинг таъминланиши ҳолати ҳақида маълумот беринг.
14. Олий таълимнинг қуий таълим босқичларидан фарқли хусусиятлари ҳақида тушунча беринг.
15. Барча ОТМларда миллий ғоя фанини ўқитилишининг режалаштирилишида қандай муаммоли жихатлар бор?

16. Сизнингча, ОТМларда миллий ғоя фанининг ўқитилиши ҳозирги кун талабларига жавоб берадими?

17. Бўлажак миллий ғоя ва маънавият соҳаси ўқитувчилари малакаларига қўйилган талаблар даражаси ҳақида фикрингизни билдиринг.

18. Илмий-педагогик кадрларнинг миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлардан компетентлик даражаси қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

19. Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни талабалар онгига сингдиришда фан мазмунига қандай талаблар қўйилган?

20. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мазмун ва моҳиятини изоҳлаб беринг...

21. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд?

22. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитиш методикасининг-чи?

23. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида нималарни айта оласиз?

24. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида миллий ға ва маънавият нисбати ҳақида андай фикрлар илгари сурилган?

25. Бир соатлик дарс – янги бир асар” деган мулоҳаза нечоғли ўринли? Уни Сиз қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

26. Ноанъанавий дарслар учун қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

27. “Тингловчи(талаба, талаба)лар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашга имкон берадиган шакл ва усуллар” деганда нималар назарда тутилади? Уларнинг ёнига яна нималарни қўшиш мумкин?

28. Узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият асосларининг қандай ўрни бор?

29. Бугунги кунда миллий ғоя а маънавият туркумига кирувчи фанларнинг дастури ва дарсликларига қандай талаблар қўйилади?

30. Мактаб таълимидаги асосий мавзу ва материаллар танлови ҳамда талabalарнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари қандай?

31. АЛ ва КҲҚдаги миллий ғоя ва маънавият асослари фанларининг хусусиятларини изоҳланг...

32. Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг бугунги кундаги умумий ахволи ҳақида қандай фикрдасиз?

33. Лойиха технологиясининг моҳияти нимада?

34. “Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларва хуқуқ таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойихалаштиришни сиз қандай изоҳлайсиз?

ГЛОССАРИЙ

Илғор педагогик технология – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш жараёни.

Инновация – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.

Интерфаол методлар – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи талабаларнинг ўз ва ўзаро фаоллашувларига қаратилган йўл ва усуслар йиғиндиси.

Малака – машқларни кўп такрорлаш натижасида юзага келадиган автоматлашган ҳаракатлар.

Методика – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методлардан ташкил топади.

Тарбия – шахсни шакллантиришни назарда тутувчи маҳсус ташкил этилган, мақсадга йўналтирилган жараён.

Таълим – ўқитишининг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усувларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида қўлланилиши белгилайди.

Фаолият – инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлари.

Этика – ахлоқий қонун-қоидалар ҳақидаги таълимот.

Ўқув дастури – хар бир ўқув фанидан талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мазмuni ва ҳажмини белгилаб берувчи ўқув режасига мувофиқ равища ишлаб чиқилган хужжат.

Ўқув режаси – таълим турига мувофиқ равища ишлаб чиқилган ўқув предметлари рўйхати ва ҳажми, уларни ўтиш кетма-кетлиги ҳамда назорат қилиш шаклларини ўзида мужассамловчи асосий хужжат.

Узвийлик - узвий чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган, ажралмас.

Узлуксизлик - соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир- бирини тақозо этувчи.

Узлуксиз таълим тизими - узлуксиз таълим ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими.

Билим – таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар асоси .

Малака – машқлар натижасида ҳаракатларнинг юқори мукаммалликка эришуви ва нутқий жараёнларнинг автоматлашуви.

Миллий ғоя - муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари-етаклайдиган фикрлар мажмуи.

Миллий ўз-ўзини англиши - ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши.

Компетенция- (лот. competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш дарражаси

Компетентлик- чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик

Компетенциявий ёндашув-эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантириш

Таянч компетенциялар-инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўринини эгаллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш

Хусусий компетенциялар-ҳар бир фан бўйича эгалланган билим, кўникма, малакалар асосида шакллантирилган лаёқатлар даражалари

Прагматик компетенция-кундалик ҳаётда эгалланган билим, кўникмалар асосида нутқий вазиятларга мос равишда мустақил ҳолда мулоқотга кириша олиш лаёқати

Педагогик маҳорат – юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишdir.

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шугулдана олишини аниқлаб беради.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали психологик билимлардан иборатлилигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилият тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материалини аниқ ва равшан тушунириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқишуғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятдир. Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилгандан қийин ўқув материалини осонроқ мураккаброғини соддароқ тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб талабаларга мослаштириб бера олади.

Академик қобилиялар - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиялардир. Қобилиялар ўқитувчи ўз фанини фақат курс ҳажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузатиб бориб, ўқув материалини мутлақо эркин эгаллаб унга катта қизиқиши билан қарайди, ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиасига эришиши бошқаларини қойил қилиб ҳайратда қолдириши, талабаларда катта қизиқиши уйғота олиш учун у юксак маданиятли ҳар томонлама кенг билимдон одам бўлиши лозим.

Перцептив қобилиялар – бу талабанинг тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психолого-кузатувчанлик, талаба шахсини вақтингчалиқ, психик ҳолатлари билан боғлик, нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиялардир.

Нутқ қобилияти - кишининг ўз туйғу ҳисларини нутқёрдамида шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилияти.

Ташкилотчилик қобилияти -бу биринчидан. талабалар жамоасини ўюштира билиш, унда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини туғри ташкил қила олиш қобилияти

Авторитар қобилият - ўқитувчининг ростгўйлик, иродавий уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлилиги каби иродавий ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга шу билан бирга талабаларнинг тарбиясида жавобгарликни хис этиш унинг эътиқоди, талабаларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олишга ишонч каби ҳислатлар.

Коммуникативлик қобилияти - болалар билан мулоқотда бўлишга талабаларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билиш

Дикқатни тақсимлай олиш қобилияти - бир вақтнинг ўзида дикқатни бир қанча фаолиятга қаратса олиш

Коммуникативлик – инсонларга юз тутиш, хайриҳоҳлик, муомалалик;

Перцептив қобилиялар – касбий етуклик, эмпатия, педагогик туйғу;

Шахс динамикаси – иродага таъсир эта олиш ва мантикий ишонтира олиш қобилияти;

Хиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;

Креативлик – ижодий иш қобилияти.

Миллий ғоя - ҳар бир шахс ва бутун жамиятга тегишли ғоя.

Миллий тарбия - ўзликни асрраб-авайлаш ва сақлаб қолиш, демократия хусусиятларини намоён этиш тури.

Намунавий дастур-фан бўйича таянч [олий](#) таълим муассасаси томонидан тавсия қилинадиган ва шу йўналишдаги ОТМлар ишчи ўқув дастурлари, дарслклар, ўқув қўлланмалари учун асос ҳисобланувчи ўқув дастури

Ишчи ўқув дастури- фан бўйича намунавий дастур асосида тузиладиган ва муайян [олий](#) таълим муассасасида амал қиласиган ўқув дастури

Мутахассислик йўналишлари-олий таълим тизими бакалавриат босқичи бўйича тайёрланадиган мутахассислик йўналишлари

Ихтисослик соҳалари – олий таълим тизими магистратура босқичи бўйича тайёрланадиган ихтисослик соҳалари

Олий малакали илмий-педагогик кадрлар – олий таълимдан кейинги босқичларда тайёрланадиган юқори малакали